Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 30 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 22 (6719)

**Даъват**

Шижоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилур. Шижоатнинг зидди қўрқоқликдур. Кўп кишилар ваҳима ва қўрқоқлик орқасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурлар. Шижоатни қўлдан бермаслик лозимдур.

**Абдулла АВЛОНИЙ.**

**Ибрат**

«Хадра» теннис клуби пойтахтимизнинг Эски шаҳар аҳли учун Наврўз совғаси бўлди. Энди ҳудуддаги болалар, ёшлар, «олтин копток» ишқибозлари ўзлари севган теннис тури билан шуғулланишлари мумкин.

И.А.КАРИМОВ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

«Ўзбекистон»

## «ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР»

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиққан янги китоби шундай номланган. Китоб Президентимизнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини, Ислом Каримовнинг Россия Давлат Думаси Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилгани муносабати билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга мактубини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири билан суҳбатини, шунингдек, бошқа материалларни ўз ичига олган.

Президент номига келган телеграммалар, мактублар, фуқароларнинг фикр ва мулоҳазалари китобнинг катта қисмини ташкил этади. Уларда Россия давлат Думаси қабул қилган асоссиз қарор ва собиқ иттифоқни қайта тиклашга уриниш қораланади, давлатимиз бошлиғи ўтказаётган ички ва ташқи сиёсат йўли маъқулланади, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қўллаб-қувватланади.

Китоб Матбуот давлат қўмитасига қарашли Тошкент полиграфия комбинатида кўп нусхада босиб чиқарилди.

(ЎзА).

**Олимпиада — 96**

## ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

*Шу кунларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг тест ва ахборот марказида, 34-мактабда, Йўлдош Охунбобоев номидаги махсус интернатда, Узбекистон мактаблари ва ҳунар-техника таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтяпти. Дастлаб улар Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ҳамда Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида илиқ кутиб олинди. Ўзаро танишувдан сўнг компьютер билан яна бир мулоқотда бўлишди. Хуллас, 26 фан бўйича ўтказилаётган олимпиада ғолиблари бугун маълум бўлади.*

(Олимпиада якунларига бағишланган мақолани газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

**Ж. ИСКАНДАРОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**
**Суратда: Олимпиада жараёнидан лавҳа.**
**Р. ГАЛИЕВ олган сурат.**

**Муносабат**

## ВАТАН МУҚАДДАСДИР САЖДАГОҲ КАБИ

***Баҳор табиатни яшартирганидек, мустақиллик ижтимоий ҳаётимизга тоза ҳаво олиб келди, тароват ва файз бахш этди. Беш йилдирки, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий тараққиётида, халқимизнинг ижтимоий ҳаётида, давлатимизнинг сиёсат майдонидаги фаолиятида туб ўзгаришлар рўй берди. Бугун Ўзбекистонни жаҳон таниди, миллий байроғимиз БМТ биноси олдида ҳилпираб турибди, дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқалари қарор топди. Бир сўз билан айтганда, буюк келажагини яратаётган Ўзбекистонни жаҳон кашф этяпти.***

***Мустақиллик миллий тараққиётнинг ягона йўли эканлигини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбдан ҳис қилаяпти. Буни уларнинг ўз эркинлигига, Ватан тинчлиги ва тараққиётига хавф солаётган воқеаларга — Россия Давлат Думасининг СССРни қайта тиклаш ҳақида қабул қилган қарорига, айрим МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг дарҳол Россия атрофида бирлашиш ҳақидаги истакларига қарши билдираётган муносабатларида яққол кўриш мумкин. Уларнинг мустақиллигимизга таҳдид солаётган воқеаларни якдиллик билан рад этувчи фикр-мулоҳазалари таълим тизимидаги педагогик жамоалар, талаба ва ўқувчилар йиғинларида, республикамиз раҳбарияти, бошқарув идораларига, редакциямизга юборилаётган телеграммалар, мактублар, мақолаларда ҳам баён қилинмоқда. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.***

Ҳурматли Ислом Абдуганиевич!

Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиз миллионлаб республикамиз меҳнат аҳли қатори Фарғона шаҳар маорифчиларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Жуда кўп соҳалар қатори халқ таълимига эътиборингиз, қўйилаётган вазифалар ходимларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган ҳукуматимизнинг оқилона сиёсати туфайли мустақил юртимизда ўтган беш йил давомида оламшумул ўзгаришлар юз бермоқда. Узбекистон халқлари тинчлик, осойишталик, барқарорлик шароитида эртанги кунга зўр ишонч ва умид туйғулари билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Сизнинг ойнаи жаҳон орқали Россия Давлат Думаси қарорига билдирган муносабатларингизни биз, фарғоналик зиёкорлар чуқур мамнуният билан кутиб олдик. Бизнинг Россия Давлат Думасининг ғайриқонуний қарорига жавобимиз қатъий: ўз келажагини, ўз истиқбол йўлини белгилаб олган суверен, мустақил Узбекистонни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли халқаро ташкилот, юздан ортиқ давлатлар тан олган, у улкан имкониятлар мамлакати, қолаверса, биз ўз йўлимизни танлаб олганмиз, бу йўл халқимиз иродаси, инон-ихтиёри билан танланган йўлдир.

Россия Давлат Думасидаги «сиёсатдон»ларнинг ушбу қарори мустақил Узбекистон давлати ҳамда халқининг ҳақли газаби ва эътирозига сабаб бўлиб ўз моҳияти билан юртимиздаги тинчлигимизни, ютуқларимизни кўра олмасликдан бошқа нарса эмас.

Биз фарғоналик маорифчилар элимиз, юртимиз тараққиёти йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиламиз, деб Сизни ишонтирамиз.

**Мақсудахон ШОДМОНОВА,**
**1-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси, республика халқ ўқитувчиси.**

**Владимир НЕУСТРУЕВ,**
**13-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.**

**Тўлқиной ТЕШАБОЕВА,**
**15-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийси.**

**Зумрадхон РАҲМОНОВА,**
**19-ўрта мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийси.**

●

Ҳурматли Ислом Абдуганиевич!

Бутун Узбекистон халқи сингари мен ҳам Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган сермазмун нутқингизни ҳаяжон билан тингладим ва унда халқ таълими ходимлари олдига қўйилган вазифаларнинг нақадар улуғлигини, келажак авлодни тарбиялашдай шарафли бурчимизни янада чуқурроқ англадим.

Биз Сирдарё вилояти ўқитувчилари ва тарбиячилари Сизнинг сессияда сўзлаган нутқингиздан руҳланган ҳолда вилоятимиз меҳнаткашларининг ўғил-қизларига чуқур билим бериш, мустақил Узбекистонга садоқат руҳида тарбиялашда ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланамиз, бутун кучимиз ва билимимизни шу мақсадда сарф этамиз, деб ишонтирамиз. Сизнинг сессияда, Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги қарорига билдирган муносабатингизни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Мустақил Узбекистон диёримиз ўз эрки, озодлигига эга бўлиб, дунёга танилаётган бир пайтда бир тўда кимсаларнинг собиқ советлар иттифоқини тиклаш йўлидаги уринишлари хомхаёлдир. Чунки ўз эркига эга бўлган ҳеч бир халқ яна қайтиб қўллик исканжасига тушишни истамайди. Биз кўп мингли Сирдарё вилояти халқ таълими ходимлари жонажон Узбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, уни кўз қорачиғидай асрашда, фарзандларимизни ота-боболар анъаналарига содиқлик руҳида тарбиялашда ўз куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Кенжагул ЭРКАБОЕВА,**
**Сирдарё вилояти Гулистон тумани Умид номли 10-мактаб-гимназия болалар боғчаси директори.**

●

— Биз ҳеч вақт собиқ Иттифоқ давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни инкор этмаймиз. У давлатлар ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда бўлиши керак. Лекин иқтисодий интеграция ниқоби остида олиб бориладиган, замирида сиёсий мақсадлар ётган ҳар қандай интеграцияга мутлақо қаршимиз. Бу нарсаларни қўмсаётганларнинг асл қиёфасига қарайдиган бўлсак, улар собиқ СССР давридаги креслосидан, амалидан ажраб қолган, энди яна уни тиклаш йўлида жон қуйдираётган эскича фикр эгаларидир.

Россия Давлат Думаси чиқарган қарорга хайрихоҳ давлатлардаги ички иқтисодий жараённи кўздан кечирсак, бугунги кунда

**Давоми 2-бетда.**

## ОЗОД ЭЛИМ

***Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни қабул қилган «СССРни қайта тиклаш ҳақида»ги қарорига муносабат.***

**Огоҳ бўлгин, шумлар мажлис тўздилар,**
**Мустақиллик гули ногоҳ сўлмасин!**
**Озод элим кайфиятин бўздилар,**
**Ёвуз яна қаро кунлар солмасин.**
**Боболарим тузиб юлдуз жадвалин**
**Оламга сочганда нурин бу Ватан,**
**Аранг беркиттанлар уятли жойин**
**Кимсаларки, «дунё меники» деган.**
**«Мустақиллик, ўзи нима берди?» — деб,**
**Қарамлик қўмсовчи каслар ҳам билсин.**
**Қадрини билмаган ғофил бандалар**
**Қайттан қадриятни бир ҳисоб қилсин!..**
**Огоҳ бўлгин, ўтган кунлар қайтмасин!**
**Озод Ватан қўлдан кетмасин яна!**
**Асра юртинг, орзуларинг ушалсин!**
**Мустақиллик — сенга буюк тантана!**

**Нодирбек КАРИМОВ.**
**Зафаробод тумани.**

**Россияда бўлаётган сиёсий воқеалар, хусусан, маълум бир гуруҳларнинг илгариги ҳукмрон мавқеини тиклаш борасидаги ҳаракатлари бугун мустақиллигини мустаҳкамлаётган давлатларни ҳушёр торттирди. Бу сиёсий ўйинларнинг моҳиятига етиш учун, албатта, тарихга мурожаат қилиш фойдалидир. Мустамлакачи ҳар қандай қиёфада, ҳар қандай шаклда бўлмасин, ўзининг мудҳиш ниятларини, яъни ўзга халқларни тобе қилиш, тарихи, маънавий мероси, миллий анъаналари ва урф-одатларидан мосуво этиш пайида бўлишда давом этаверади. Қуйидаги мақола шу сиёсат тарихидан бир саҳифадир.**

## МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ САБОҚЛАРИ

XIX аср охири — XX аср бошларида туркистонликлар тилида «жадид», «усули жадид» деган сўз ва ибора айланишиб қолди. Бошлаб зиёлилар орасида қўлланилиб юрган бу сўз ва ибора борган сари оддийроқ одамларнинг ҳам тилига кўча бошлади. Кейинроқ эса бу ҳодиса бутун жамият ҳаётида ўзгаришлар ясай бошлагач, «жадид», «усули жадид», «зиёли», «тараққий» каби сўзлар оммалашиб кетди. Ҳатто бу сўзни «кофир» маъносига нисбат бердилар. Айрим намояндаларини (масалан, Исмоил Обидий) тўғридан-тўғри «Тараққий» ё «жадид» деб атай бошладилар. Қримнинг Боғчасаройида «Таржумон» номли газета чиқариб, бутун чор Россияси маъмурларини ташвишга солиб қўйган Исмоилбек Гаспрали «усули жадид» тушунчаси ва у билан боғлиқ бутун бир жараёнларнинг сабабчиси эди. Бу тушунчани Исмоилбекнинг ўзи шундай таърифлайди: «Ота-бобо кунларидан қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жадид демакдир, бошқа бир уқув, бошқа бир мактаб демак дагилдир».

Амалий жиҳатдан фавқулодда ижобий натижалар берган бу усул аср бошида Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларига кириб бораётган эди. Бу усул тарғиботчилари ана шу муносабат билан «жадидлар» номини олди, уларнинг мактаблар ислоҳоти билан бошланиб, аста-секин жамият маданий-маънавий ҳаётини, кейинроқ ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олган ҳаракати учун эса «жадидчилик ҳаракати», даврни эса «жадидчилик даври» деб аташ расмий тус олди. Шу билан бирга бу даврни тарихий ва илмий адабиётларда «Миллий уйғониш даври» деб аташ ҳам 20-йилларда таомилга кирган эди. Айниқса, мунаққид Вадуд Маҳмуд мақолаларида бу истилоҳ кўп қўлланилади. Ҳатто мазкур ҳаракатнинг иштирокчиларидан бўлган Лазиз Азиззода шу даврни мавзу белгилаб 20-йиллар миёнасида «Туркистоннинг миллий уйғониш тарихи» деб номланган салмоқли тадқиқот яратгани ҳам маълум.

Шундай қилиб, асримиз бошларида Туркистонда «Жадидчилик» ёки «Миллий уйғониш даври» бошланди. Профессор Бегали Қосимов бу давр хусусиятларини ўрганиб, шундай хулосага келган эди: «Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда мустақилликка эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсад вазифасини ташкил қилар эди».

Асримиз бошларидаги бу тарихий жараён ва Россиянинг мустамлакачилик сиёсати мамлакатдаги мусулмон ўлкаларнинг, жумладан, Туркистоннинг том маънодаги Миллий Уйғониши учун вазият етилганлигини намоён қилмоқда эди. Миллий Уйғониш муайян мафкура сифатида биринчи навбатда маърифатчиликда кўринди. Ана шу мафкуранинг жарчилари бўлган

**Давоми 2-бетда.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**● «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.**

**● «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Шу қарорга иловада эса мазкур қўшма корхона ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кредит бериш тартиби берилган.**

**● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатларидаги интеграция жараёни ривожига муносабати мавзуида брифинг бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги чет эл элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар иштирок этишди.**

**● Шу йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида бўлиб ўтган савдода сотув ҳажми 19,83 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,20 сўм даражасида белгиланди.**

**● Халқаро Валюта фонди бошқаруви кенгаши Россияга 10,2 млрд. доллар ҳажмида кредит беришни маъқуллади. Бу ХВФнинг 52 йиллик тарихидаги иккинчи улкан заёмдир. Ўтган йили Мексикага 17,8 млрд. доллар ёрдам қилинганди.**

**● Мексика ва Перу Президентлари АҚШ томонидан қабул қилинган Кубани иқтисодий қамал қилишни кучайтиришни кўзлаган Хелмс-Бэртон қонунини БМТ низомига ҳамда халқаро ҳуқуқ мезони ва тамойилларига зид эканлигини таъкидлашди.**

**ХАБАРЛАРИ — МММ**

### РАЖ КАПУР ЮРТИГА...

*Шу кунларда иқтидорли ёшларни Ҳиндистонга юбориш учун синов имтиҳони бўлиб ўтди. Танловда асосан инглиз тилини мукаммал биладиган ва шу бугунги сиёсий-иқтисодий билимга эга бўлган Тошкент давлат университети халқаро журналистика бўлимининг иқтидорли талабалари қатнашишди. Ва уч талаба муваффақият билан ўтишди. Омадли ушбу талабаларнинг олдида яна битта синов қолди. Бундан ўтишса — ғузал Ҳиндистонга!..*

### ТАЪЛИМ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

*Термиз шаҳридаги 3-гимназияда республика Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вазир ўринбосари Муртазо Султонов очиб, сурхондарёликларнинг 1995 йилда таълим тизими соҳасидаги ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини таҳлил қилиб берди.*

*Йиғилишда вилоят ҳокими муовини М. Абдуллаев халқ таълими ходимлари олдида турган бугунги муҳим вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.*

### «ЧУЧМОМА» ҒАЛАБАСИ

*Яқинда шаҳримиздаги 42-мактабда Наврўз байрамига бағишланган кеча ўтказилди. Унда синфлар ўртасида «Узбекистон — Ватаним маним» мавзусида қизиқарли беллашув бўлиб ўтди.*

*Беллашув VIII синф ўқувчиларининг «Чучмома» гуруҳи ғалабаси билан якунланди.*

### ЯНА БИТТА ТЎЁНА

*Пойтахтимизлаги 125-мактабда профессор А. Набиев, Узбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти бўлим бошлиғи М. Исҳоқов ва мактаб мураббийлари иштирокида «Амир Темур буюк сиймо» мавзусида бобомизнинг 660 йиллик туйига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.*

### ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

*Март ойининг тароватли кунларидан бирида Шайхонтоҳур туманидаги 45-ўрта мактабда «Қизлар ҳаётнинг гули» темасида адабий кеча бўлиб ўтди. Кеча Мунира Набиеванинг кириш сўзи ва миллий кийимда кийинган сулув қизларнинг баҳси билан бошланди.*

*Оила одоби, меҳмон кутиш ва пишириқлар пишириш, халқимизнинг меҳмондўстлиги каби асрий қадриятларимизни кўз-кўз этди.*

*Орада мактабнинг «Ғунча» ансамблининг жозибали қўшиқлари янграб турди. Кечада шоира Нилуфар, таниқли қўшиқчи Дилором Қаюмова иштирок этдилар.*

**Муаллифлар:**
**З. ҚАЛАНДАРОВА,**
**Н. ТЎРАЕВ, О. РАҲИМОВ,**
**Н. ФАЙЗИЕВА.**

### ФОЙДАЛИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда Тошкент вилояти иқтидорли болаларнинг кўп тармоқли лицей-интернатида илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда тиллар гуруҳи талабалари ўзларининг билимдонликларини намойиш қилдилар.

Анжуманга «САҒЕ» жамияти Тошкент бўлимининг ходимларидан Дейна ва Жениферлар ҳам таклиф қилинди. Қизиғи шундаки, конференция асосан инглиз тилида ўтказилди. Лицейнинг инглиз тили гуруҳи талабалари Мадина Иброҳимова, Ғузал Умрзоқова, Отабек Эргашев, Азиз Тожихонов, Муқаддас Турсунмаматова, Жаҳонгир Ҳикматов ва Муқаддас Шукуровалар буюк алломаларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари, А. Навоийга замондош мутафаккирлар, Бобур Мирзо ҳамда Узбекистон тарихи, ўзбек халқининг тарихий маданияти ҳақида инглиз тилида қилган маърузалари америкаликлар ва конференция қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

**Р. НАЗАРОВ,**
**О. ИСРОИЛОВ.**

# ВАТАН МУҚАДДАСДИР САЖДАГОҲ КАБИ

Боши 1-бетда

уларнинг кўпчилигида аҳвол танг. Ривожланаётган давлат мақоми билан хориждан олган кўпгина миқдордаги қарзларини узиш муддати яқинлашмоқда. Улар СССРни қайта тиклаш орқали катта ака елкасида туриб ўз мақсадларига эришишга умид боғлашмоқда. Аммо бизнинг мамлакатимиз учун бу йўлда қўшилишнинг умуман зарурати йўқ. Ўзбекистон бу нарсага қўшилса, у ўз оёғини ўзи кишанга тутган, ўзининг бой имкониятларини бошқа биров билан баҳам кўрадиган давлатга айланади. Қафасдан чиқиб кетган қушнинг яна қафасга қайтиб келишини тасаввур этиш мумкин эмас.

Шундай экан, биз халқимиз руҳиятига, анъаналарига мос бўлган эркин тараққиёт йўлидан бораверамиз. Институтимиз жамоаси, талабалар ҳам, домлалар ҳам ўзларининг шундай фикрларида собит турадилар.

**Ўрол АБИЛОВ,**
**ТошДТИ тарбиявий ишлар бўйича проректори, профессор.**

●

**— Ўзбекистон ерининг усти ҳам, ости ҳам жаннат. Аммо ана шу жаннатда етиштирилган мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини бир пайтлар биз домлалар ва талабалар ўз қўлимиз билан йиғиштириб, вагонларга ортиб шимолга, Москвага жўнатганмиз. Бугунги кунда Россия Давлат Думасида қабул қилинган қарор ўша собиқ СССР даврини, бировлар ҳисобидан яратилган мўл-кўлчиликни қўмсаб чиқарилган қарор. Бу қарор ожиз, ўз давлати иқтисодини оёқости қилиб, уни кўтара олмаган кимсаларнинг навбатдаги жирканч қадамидир.**

**2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг янги биносини қуришга рухсат олиш учун 5 йил Москвага қатнаганмиз. Шунча саргардонликдан кейин юқорининг кўрсатмаси билан иш бошланган. Аммо ана шу муҳташам бино қурилишига Москвадан бир тийин ҳам сарфланмади. Ўзбекистон Республикаси ҳисобидан қурилиб битказилди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.**

**Ўзбек халқида ажойиб ибора бор. Йиқилган одам кимгадир суянишни истайди. Лекин энди иқтисоди йиқилган давлатлар жовдираб кўз тиккан суянч йўқ, бўлмайди ҳам.**

**Носир АҲМЕДОВ,**
**профессор, Беруний мукофоти совриндори, уруш ва меҳнат фахрийси.**

●

— Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган сиёсат ҳалол ва тўғри бўлиб, бугунги кунда уни жаҳон жамоатчилиги қизиқиш билан ўрганмоқда, муқобил эканлигини эътироф этмоқда. Аммо Россияда халқни чалғитиш мақсадидаги сайловолди ғирром сиёсатни коммунистлар томонидан чиқарилган қарор ва унинг моҳиятини халқимиз тўғри англаб олди. Бу нотўғри, ғирром сиёсат узоққа бормаслиги аниқ.

Юртимизнинг 130 йил давомидаги ярим, кемтик нони энди бир бутун бўлди. Болажон халқимиз то абад бутун нонининг яна яримта бўлишига йўл қўймайди.

**Карим НУРМУҲАМЕДОВ,**
**доцент.**

●

— Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар ҳеч қандай давлат ҳақида тасаввурга эга эмас эди. Лекин энди Канада, Япония, Америка телевидениеларидан олиб кўрсатилишича, бугун Ўзбекистоннинг ўз иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёт дастури бўлиб, шу соҳаларда қисқа муддатда эришган ютуқлари ҳақида шу ердаги халқлар ўз тасаввурларига, мамлакатимиз ҳақидаги ижобий фикрларига эга бўлишмоқда.

Мен оддий талаба сифатида бемалол айта оламан: тарих ғилдиракларини ҳеч қандай куч (ҳатто Россия ҳам) орқага қайтаролмайди.

**Ботир РАҲИМОВ, ТДТИ талабаси.**

●

**— Президентимиз И. А. Каримов ЎзА мухбирига МДҲ давлатларидаги интеграция жараёнлари ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан берган интервьюси сўнгида «Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди», деди. Бу сўзлар ҳозир республикамизда ислоҳотларни амалга оширишда таянилаётган асосий, ўзига хос тамойили яна бир бор таъкидидир. Қолаверса, бу борадаги ишларнинг аввало таълим жараёнига таъсири сезиларли. Иқтисоди лицейимиз ҳам Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганлиги меваси. Ҳозирда биз бутун дунё иқтисодиёти билан тўғридан-тўғри, ҳеч бир ёлғонларсиз танишмоқдамиз, ўзимизга тегишли билимни эгалламоқдамиз. Шундай экан, умумжаҳон цивилизациясига элтувчи дарвозалари беркилган собиқ СССРга қайтиш келажакка ишонч билан одимлаётган биз ёшларнинг маънавий интилишларимизга мос эмас. Ўзбекистон менинг ҳам мустақил Ватаним, орзу умидларим, бешигидир.**

**Алексей ПОРЯДИН,**
**Тошкент шаҳридаги 166-иқтисодий лицейнинг 11-синф ўқувчиси.**

●

Яқинда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоасининг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги интеграция жараёнлари ривожи билан боғлиқ бир қатор саволларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг берган жавоблари ва Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга доир хатти-ҳаракатларига муносабат билдиришига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги интеграция жараёнлари билан боғлиқ бир қатор саволларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг берган жавоблари ойнаи жаҳондан барчага ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг институт ходимлари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, профессорлар — Ғайрат Шоумаров, Тошпўлат Тошлонов, Мирқобил Мирқосимов, доцент Назиф Ремеев, ўқитувчилардан Суннатулла Маҳкамов, бўлим бошлиги Ҳулкар Аҳророва ва бошқалар ўз сўзларида халқимиз йўли — мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир, биз ўз танлаб олган йўлимиздан дадил олға боравeрамиз, биз учун иқтисодий интеграция йўли маъқул, аммо сиёсий интеграция йўлига ҳеч қачон қўшилмаймиз, бу ҳақда Президент Ислом Каримовнинг ЎзА мухбири саволларига берган жавоблари халқимизнинг хоҳиш-иродасини тўла ифодалайди, биз ўз таълим-тарбия ишларимиз билан Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ишларига муносиб ҳисса қўшаверамиз, деган яқдил фикр билдирдилар.

Дарҳақиқат, биз жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига дахл қилишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга доир хатти-ҳаракатлари хом хаёлликдир.

Собиқ СССР империяси ёшини яшаб бўлган эди. Уни тирилтириш учун қилинаётган барча ҳаракатлар беҳудадир. Тарих ғилдираги энди ортга қайтмайди. Биз Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигига қаттиқ ишонамиз. Жонажон диёримизнинг ҳар бир куни Наврўз бўлиб гуллаб — яшнайверади.

Мустақиллик байроғи остида халқимиз янада мустаҳкамроқ жипслашаверади.

**Байит ТУРДИЕВ,**
**А. Авлоний номидаги ХТМОМИ нашр бўлими бошлиғи.**

# МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ САБОҚЛАРИ

Боши 1-бетда

жадидлар эса кенг миқёсли амалий фаолият билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида қарор топиши, мустаҳкамланиши ва охир-оқибат улар кўзлаган миллий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин ярата бошладилар. Бу бутун Туркистон халқининг ижтимоий-сиёсий тафаккури тараққиётида янги бир босқич эди. Бу босқични маданий ўтмишига эга бўлган ҳар бир халқ ўз бошидан кечирган. Чунки жамият тараққиётида маълум бир тизимнинг табиий равишда янги сифат ўзгаришига учраши ўзига хос маърифатчиликни тақозо этади. Туркий халқларнинг этник жиҳатдан шаклланиши IX — X асрларда Шарқ Уйғонишини белгилаган илм даҳоларининг етишиб чиқишига, бадиий ижодда эса дидактик тамойилдаги асарларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўлса, XIX аср охирлари XX аср бошларига келиб бу жараён ғоят ривожланган бир қуринишда эскирган, қолоқ ва мустабидлик негизидаги жамиятни адолатли, эркин, маданий муносабатлар устивор бўлган жамиятга айлантириш мақсадлари томон йўналтирилди. Бу жиҳатдан биздаги бу маърифатчиликни XVII — XVIII асрлардаги Европа, XIX аср ўрталаридаги Туркия, XIX аср ярми ва XX аср бошларидаги Япон, Араб ва Эрон маърифатчилигига қиёслаш мумкин.

Ҳўш, шу пайтларда Туркистонда тарихий шароит қандай эди? ўтган асрнинг сўнгги чорагидаги бир неча халқ исёнлари чор маъмурлари томонидан қон билан бостирилгач, Туркистонда ҳам сиёсий, ҳам маънавий тазйиқ ва таъқиблар авж олди. 1892 йил июнида Тошкентда юз берган «вабо қўзғолони»дан кейин Чор ҳукуматининг Туркистондаги энг етакчи миссионер идеологи Н. Остроумов ўз дўстларидан бирига йўллаган мактубида шундай деган эди: «Кўп жиҳатдан айб ўзимизда албатта: уларнинг (сарт»ларнинг) феъл-атворини ва қонун-қоидаларини ўрганганимиз йўқ ва ҳали ҳам ўрганмаяпмиз». Бу «ўрганиш» замирида руслаштириш сиёсатини кенг миқёсда жорий этиш учун замин тайёрлаш мақсади ётганини англаб олиш қийин эмас. Шу фикр тасдиғи улароқ исёнлардан сўнг Туркистонда Россиядан рус оилаларини кўчириб келтиришга зўр берилди. «Россия марказидан кўчириб келтирилган деҳқонларни ўлкада жойлаштириш ва қўпайтириш тадбири бу ерда «рус давлатчилигини» мустаҳкам ўрнатишдан иборат буюк давлатчилик сиёсатига ҳам қурол бўлиш вазифасини бажариши лозим эди». Биргина мисол: 1898 йилги Муҳаммадали халфа — Дукчи эшон номи билан боғлиқ Андижон қўзғолонидан сўнг генерал Корольков Россия ҳарбий вазирлигига мактуб ёзиб, исёнчиларга жазо бериш усули сифатида Мингтепа қишлоғи атрофидаги 30 чақирим масофада яшайдиган 3 мингдан ортиқ оилани Россия жанубига олиб келиш режасини баён қилади.

Шу тариқа бутун Туркистонга XX аср бошларида бир ярим миллион русларни кўчириб келтириш мўлжалланган эди.

Чор ҳукуматининг иқтисодий режасида эса аграр ўлка ҳисобланган мустамлака Туркистонни янада аграрлаштириш, айрим саноат корхоналарини, темир йўлларни биринчи навбатда Россиянинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун барпо этиш кўзда тутилган эди. Ўлканинг йирик шаҳарларида қурилаётган ўнлаб пахта заводлари хомашёни бирламчи қайта ишлов билан Россия енгил саноати марказларига арзимаган нархда етказиб бериш учун хизмат қиларди. Пировардида шу хомашёнинг бир қисми Туркистоннинг ўзига тайёр маҳсулот бўлиб бир неча баравар қиммат нархда қайтиб келар эди. Унинг тўлақонли хўжайини эса «катта оға» бўлар эди.

Бироз кейинроқ Турор Рисқулов бу ҳақда «Янги Туркистон» номли мақоласида шундай дейди: «Иқтисодий жиҳатдан, чор русиясининг эзиши икки йўл билан борди: ерлик халқ манфаатининг зарарига пахта саноатини суниъий равишда тараққий қилдириш ва қозоқ-қиргизларнинг экиб турғон ерларини ўрус келгиндиларга олиб бериш... Туркистонда ишлатилмакда бўлгон ерларнинг 55 фоизи ўрус келгиндиларнинг қўлига утди...» («Туркистон» газетаси 1923 йил 25 ноябрь)

Маданий-маънавий ҳаётда эса «руслаштириш» режасини янаям жадалроқ амалга ошириш ҳаракати кетаётган эди. Руст-тузем мактаблари, гимназия, семинария, ҳарбий билим юртлари каби маърифий муассасалар очилиб, бу ерда рус болалари билан бирга ўзбек болалари ҳам ўқитила бошланди. Фақат уларни оврупоча ўқитишидан асосий мақсад Чор ҳукуматининг жойлардаги садоқатли гумашталари, тилмочларни тайёрлашга қаратилганди. Ана шундай таълим кўрган тилмочларнинг моҳиятини умумлаштириб Мустафо Чўқоев ёзади: «Мустамлака ҳолида бўлган бир мамлакатда тилмоч маъмурлар у мамлакатнинг миллий манфаати нуқтаи назаридан энг зарарли, энг қўрқинчли махлуқлардир... Орада ўз юртдошларидан ришват олмоқчи бўлиб, идора бошлиғи билан биргалашиб ўз халқини, юртдошларини қийнаб бўғиш... кенг юртимизни миллионларча халқи билан мустамлака қилиб босиб ўтирган рус режими ҳақида мана шу ўз халқимиз чиқиндилари тилмочларга қараб ҳукм бериш мумкин эди».

Тўғри, илк паллаларда, яъни ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан рус-тузем мактаблари ўлка бўйлаб кенг ёйила бошлаганда, маҳаллий зиёлилар бу ўқув юртида нажот кўргандай бўлдилар. Чунки эски мактаб ва мадрасалар замона илмларидан шу қадар орқада эдики, биргина руҳоний таълим билан мамлакатни олга силжитиб бўлмас эди. «Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим» деган нуқтаи назар билан иш тутувчи генерал-губернатор Розенбах (1884 — 1889) даврида чор ҳукумати билан бирга айрим мулкдор ерли бойлар ҳам рус-тузем мактаблари ташкил этишда жонбозлик кўрсатдилар. 1884 йил декабрида тошкентлик Саидғани Сайидазимбой уйида маҳаллий болалар учун биринчи рус-тузем мактаби очилади. Бундай мактаблар йил сайин кўпайиб борди. Айниқса, ҳукумат маблағи билан бирга вақф йўли билан ҳам шундай мактаб очиш мумкинлиги бир қатор ерли зиёлиларни руҳлантириб юборди. Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизий, Шарифхўжа қози, Муҳиддинхўжа қози каби илғор фикрли кишилар бундай мактабларнинг ўқитувчилари, ҳомийлари, фахрий нозирлари бўлдилар. ўз фарзандларини рустузем мактабларига бердилар. Уни матбуот орқали тарғиб ва ташвиқ этдилар. Ҳатто ўртада пул йиғиб, рус-тузем мактабларида камбағал болалари ҳам ўқишга жалб этила бошланди. Академик В. В. Бартольд шаҳодатича, 1911 йилга келиб бундай мактаблар сони 89 тага етган. Аммо у ердаги ўқитиш усули шу қадар саёз эдики, буни ҳатто рус зиёлиларининг ўзлари ҳам ошкора тан олганлар: «вилоятдаги (Самарқанд) рус-тузем ва соф русча мактаблардан ҳеч бири русча ёзиш у ёқда турсин, ҳатто тўғри ўқий оладиган бирорта ҳам маҳаллий халқ кишисини етиштиргани йўқ» (В. В. Бартольднинг «Асарлар» II т. 1-қисми 308-бет). Бунинг сабабларини В. В. Бартольд чор маъмурларининг мактабларда ерли болаларга она тилларида кенг билимлар бериб қўйиб, уларнинг ўз адабиёти ва маданий хусусиятларини англаб қолишлари руслаштириш сиёсатига путур етказиши мумкинлиги туфайлидир, деб кўрсатади. Шунинг учун ҳам рус-тузем мактабларининг рус бўлимларида кейинроқ бориб барча дарслар фақатгина рус тилида ўқитилган бўлса, маҳаллий болалар бўлимларида «ерли мулла раҳбарлигида эскича савод ва мусулмончилик қоидаларидан бошқа бирор машғулот ўтилиши мумкин эмас эди». Шу фактни тасдиқлаб, кескинроқ фикрни Исмоилбек Гаспрали ўзининг «Русия мусулмончилиги» номли 1881 йили эълон қилинган асарида билдирган эди: «Рус мактаблари татарлар учун бир улик муассаса кабидир — буни унинг назарий жиҳатдан қувватланган амалиёти ҳам исбот этмоқда»

Маънавий устозининг фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазани кейинроқ Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам айтади: «Русский-туземний мактабларга ўқиганлар зиёли тугул, зиёлилар ҳисобланмайдурлар. Улар фақат русча чаласавод кишилардир» («Туркистон вилоятининг газети» 1909 й. 2 октябрь).

Руслаштириш сиёсати маданий-маърифий соҳаларда шу қадар жадал кетаётган эдики, рус-тузем мактабларида асосий фанлар рус тилидан таржима қилинган дарслик ва қўлланмалар (Масалан Н. С. Ликошиннинг ўзбек тилида 1906 йил чоп этилган рус тарихи дарслиги) асосида ўтилар, Чор ҳукуматининг расмий нашри «Туркистон вилояти газети» эса «сарт тилида» зўр бериб рус воқелиги, маданияти ва санъатини тарғиб этар, айни пайтда бу ишга маҳаллий зиёлиларни жалб қилар эди. Рус театр ҳамда мусиқа санъатининг XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошларида Туркистонда бу қадар кенг тарқалиши, ўнлаб ижодий жамоаларнинг йилларча гастролларда бўлиши моҳият эътиборига кўра руслаштириш сиёсатининг мафкуравий кўринишлари эди.

Ана шу моҳиятни Россия мусулмонлари орасида биринчилардан бўлиб англаган қримлик мутафаккир Исмоилбек Гаспрали бўлди. Унинг «Рус мусулмончилиги» номли асари зоҳиран Россия ҳукмронлигини қувватлаб мусулмон халқларини улар билан биродарлиги, оға-ини эканлигини таъкид этса-да, ботинда ўз диндошларининг ўзига хос тараққиётини, ўтмиш шонли тарихи ва маданиятини, истиқболда ривож топган халқлар билан тенглаша олувчи қудратли, маърифатли, мустақил миллатга айланишини тарғиб этган ва кўзда тутган эди: «Ақлни тилшунослик эмас, балки илмий асосдаги тарбия ривожлантиради: рус мусулмончилигига янги ҳаётни рус тили эмас, аксинча унга энг осон ва ҳаққоний усулда сингдирилувчи илм-фан ато этади».

И. Гаспрали қарашлари шу асар билан чекланмади. У 1883 йил апрелидан «Таржумон» газетасини чоп этиб, ўз қарашларини матбуот воситасида тарғиб эта бошлади. Унингча энг муҳими мусулмонларнинг эски тартибдаги ёдлаб ўқишларига асосан руҳоний илмларни ўрганишини ислоҳ этиб, товушлар асосида ўзлаштирилган алифбо билан оз фурсатда хат-савод чиқаришни жорий қилиш, маънавий илмлар қаторига замонага хос дунёвий илмларни қўшиш, ҳуқуқ-тартиботлар асосини эгаллаш кабилар эди. Товуш методини англатувчи «усули савтия» ёки «усули жадид» асосида Исмоилбек 1884 йили тажриба ўтказиб, ўн икки боланинг қирқ кунда хат-саводини чиқаришга эришади. Ўз усулининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фавқулодда катта фойдасини ҳис этгач, уни кенг жорий қилиш чораларини излайди. Ўз атрофига хайрихоҳларни жамлайди, газетаси орқали тинимсиз ташвиқ этади. Тез орада Кавказ турклари, Туркистон мусулмонлари орасида «усули савтия»нинг ўнлаб тарафдорлари пайдо бўлади. 1884 йилнинг ўзида «Таржумон» газетасининг 1000 кишилик обуначиларидан икки юзтаси Туркистондан экани, бу усул ва И. Гаспрали ғояларининг ўлкамизда таъсири ҳамда тарқалиш доираси нақадар кучли бўлганидан далолатдир. Бунга Тошкент жадидларининг отаси ҳисобланган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг қуйидаги сўзлари ҳам гувоҳлик беради: «Жадид мактаби ташкил қилғонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналарнинг етиштирган кишилари эди. Улар ёлғиз Боғчасаройда чиқадурғон Исмоил Гаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниб, китоблар олдирар эди». («Қизил Ўзбекистон» газетаси 1927 й. 7 июнь).

Шундай қилиб, руслаштириш мақсадларини кўзлаган рус-тузем мактаблари қаторида «усули жадид» мактаблари ҳам пайдо бўла бошлади. Бу мактаблар ташкилотчилари эса «жадид» ёки «тараққий-парвар» номини олдилар. Жадид мактабларининг илк ташкилотчилари ҳам татар қардошлар бўлди. Чор ҳукуматининг туркистонликларни татарлар таъсиридан сақлашга бўлган интилиш ва чеклашлари табиий тарихий жараённи тўхтата олмади.

XX аср бошларига келиб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жадид» мактаблари очилди. Унинг биринчи қалдирғочлари татар маърифатпарварлари қаторида ерли зиёлиларда Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддиқий-Ажзий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий, Суфизода, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний каби ўнлаб атоқли зотлар бўлди.

Янги мактаблар Туркистонда жадид маърифатчилигининг илк кўриниши бўлиш билан бирга то бу ҳаракат соф сиёсий қиёфа касб этгунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

«Усули савтия» мактабларининг очила бошлаши уларни алифбо ва бошқа ўқув қўлланмалари билан ҳам таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Бу вазифани ҳам янги мактаб ташаббускорлари ўз зиммаларига олдилар. Худди И. Гаспрали шундай мактаблар учун «Ҳўжаи сибён» («Болалар муаллими»), «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» номли дарслик ва қўлланмалар тузиб берганидек, Туркистон жадидлари ҳам бирин-кетин «Устоди аввал» («Саидрасул Саидазизий), «Адиби аввал» (Мунаввар қори Абдурашидхонов), «Тахсибус-сибён» (С. Айний) каби қатор алифбо ва дарсликлар ёзиб, нашр қилдирдилар. Нафақат алифбо, айни чоғда ҳисоб, жуғрофия, тарих, имло қоидалари, ислом дини тарихи, она тили ва адабиёти каби алоҳида предметлар бўйича ҳам Беҳбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Авлоний, С. Айний кабиларнинг махсус дарслик ва хрестоматиялари тайёрланиб чоп этилди. Шундай китобларни чоп этиб, оммалаштириш мақсадида нашриёт ширкатлари, кутубхона ва қироатхоналар ташкил этила бошлади. Хусусан Тошкентда «Умид», «Мактаб» кутубхонаси, Самарқандда «Беҳбудия», «Зарафшон», Қўқонда «Ғайрат», «Мадора» каби китоб нашри ва тарғиботи муассасалари пайдо бўлди.

Жадидлар маслагининг амалга ошувида мактаблардан кейинги асосий ўринни матбуот эгаллайди. «1904 йилда рус-япон уруши чиқиб, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Биз-нинг ташкилотимиз (жадидлар — Ш. Р.) сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзни очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газета чиқармоқни муносиб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди.» (А. Авлоний «Таржимаи ҳолим». Қаранг: «Миллий Уйғониш ва ўзбек филологияси» Т., 1993 108-бет).

Дарҳақиқат, 1905 йил 17 октябрда эълон қилинган манифестдаги айрим демократик ислоҳатлар, яъни шахснинг даҳлсизлиги, виждон ва сўз эркинлигидан фойдаланиб миллий газеталар чиқаришга расмий рухсат олинди. Шу зайлда жадидларнинг «Тараққий», «Хуршид» (1906), «Шуҳрат», «Тужжор» (1907), «Осиё», «Самарқанд» (1913), «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» (1914) газеталари, «Ойина» (1913), «Ал-ислоҳ» (1915) каби журналлари дунё юзини кўради. Илк миллий матбуотимизнинг бу намуналари «қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ» йўлида беқиёс хизматлар қилди.

Жадид зиёлиларимизнинг фаолият қирраларини кўрар эканмиз, уларнинг том маънода Уйғониш даврлари даҳоларига менгзагулик қатор фазилатларидан огоҳ бўламиз.

**Шуҳрат РИЗАЕВ,**
**филология фанлари номзоди.**

*ли, зукко болалар барпо этадилар. Ана шундай ноёб санъатнинг ўзига хос нозик сирларини ўргатаётган севимли устозларга раҳмат. Сизларга катта муваффақиятлар ёр бўлсин, — деди Й. Саиджонов.*

*Анжуманда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёшларга қийинчиликлардан ҳеч қачон қўрқмасликларини, ўз мақсадларига эришиш учун астойдил ҳаракат қилишларини, Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги абадий, унга ҳеч ким тўсқинлик қила олмаслиги, тарих ҳеч қачон орқага қайтмаслиги ҳақида гапириб, ўқувчиларга ўқиш ва ҳунар эгаллашларида илҳом, сабот тилади ҳамда Ватан ҳақидаги шеърларидан ўқиб берди.*

*Тантанали йиғилишда «Маърифат» газетасининг бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким, ҳайкалтарош Жалолиддин Миртожиев, «Гулхан» ойномасининг бош муҳаррири Сафар Барноев, «Экосан» халқаро жамғармаси раисининг муовини Саидикром Хожибековлар сўзга чиқишиб, ижодий кўргазма намуналаридан мамнун эканликларини, бугунги байрам муҳим аҳамият касб этиши, инсоннинг келажак тақдирини унинг болалиги белгилаши ҳақида гапириб, ўзбек маданиятини жаҳонга олиб чиқишда ўқувчиларга омад тиладилар.*

*Шундан сўнг иқтидорли болаларнинг санъат асарлари ёш қаламкашлар, каштачилик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлик, нақшлик, тасвирий санъат шўъбаларида муҳокама қилинди. Шўъбаларга Сафар Барноев, Гулзода Пулатова,*

*Иқтидорли болалар V республика слёти*

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРГАЗМАСИ

*27-28 март кунлари Республика ўқувчилар саройи илм ва ҳунар голиблари ҳамда мураббийлар билан гавжум бўлди. Бу масканда республикамиз вилоятлари ва туманларидаги болалар ва усмирлар ижодиёти марказлари фаолиятларини акс эттирувчи халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси намойиш қилинди. Зардўзлик ва каштачилик, нақшлик, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги сингари миллий санъат асарлари шулар жумласидандир.*

*Ёш ижодкорлар ясаган санъат асарларининг ҳар бири ўзига хос нафис, гўзал, рангин жилоларда акс эттирилган. Масалан, туморча, дўппи, оёқ кийими, жияк, тиллақошдан иборат «Қатимларда бармоқлар сеҳри» номли стенд, аёллар ҳамда эркаклар тўни, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб тикилган зардўзлик-каштачилик асарлари, нақш бериб ишланган олти қиррали курсича, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик ҳамда ганчкорликка оид халқ амалий санъатининг қалимий намуналари беихтиёр томошабин эътиборини ўзига жалб этади. Айниқса, наманганлик қизлар «Буюк ипак йўли»ни ранг-баранг ипакларда ўзига хос тасвирлашган.*

*Тантанани сарой директори Олия Иброҳимова кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджоновга сўз берди:*

*— Республикамизда истиқомат қилаётган 22 миллион аҳолининг ярми болалардир. Мингга яқин мактабдан ташқари муассасалар мавжуд. Келажаги буюк давлатимизни сизлардек иштиёқ-Марина Бородина, Ҳамидулла Исоқжонов, Неъматжон Абдуллаевлар раҳбарлик қилдилар.*

*Республика иқтидорли болалари V слётининг иккинчи куни «Гулхан», «Ғунча» ойномалари, «Маърифат», «Тонг юлдузи» рўзномалари, «Келажак тонги» болалар ва ўсмирлар радиоэшиттиришларининг ходимлари билан «Савол беринг — жавоб берамиз» мавзуида давра суҳбати бўлди. Давра суҳбатида анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.*

*Республика слёти якунида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқди.*

*— Азиз болажонлар, ҳурматли устоз-мураббийлар ва ота-оналар! Мустақиллигимизга ҳам, слётга ҳам беш йил бўляпти. Буюк давлатни буюк инсонлар яратади. Давлатимиз тақдири сизнинг қўлингизда. Ана шу мақсадда мустақиллик даврида болалар мойиллигини аниқлаш муҳим бўлиб турибди. Ниятимиз болаларимиз ҳар бир соҳада ўз истеъдодларини намоён қилсинлар. Анжуман орангизда кўплаб иқтидорли сафдошларингиз бор эканлигини кўрсатди. Сизнинг анжуманингиз чинакам маънода ижодкорлар, ҳамкасблар байрами бўлди. Шеърларингизда, санъат асарларингизда жўшқин ҳаётимиз янада теранроқ акс этсин. Келажакда етук, истеъдодли санъаткор бўлиб етишасизлар, деб ишонаман.*

*Анжуман сўнгида слёт қатнашчиларига Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда ташаккурномалар топширилди.*

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

Суратларда: слётдан лавҳалар. Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

*Қутлуғ остона*

# ТЎРТ ТИЛЛИ АКА-УКАЛАР

Бўладиган бола бошидан маълум, деб беҳуда айтишмаган. Термиз шаҳридаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейининг 10-А синфи ўқувчиси Альберт ва 8-В синфи ўқувчиси Альфред Ҳамидуллинларнинг ўқиши, зеҳни, тил, илм эгаллаш, ўрганишдаги тиришқоқликлари, маҳорати устозларида катта умидлар уйғотмоқда.

Ака-ука Ҳамидуллинларнинг тенгдошларига ибрат бўларли жиҳатлари кўп. Уларни ота-оналари аввалбошдан кўчада сақич, шоколад сотиб пул тўплашга ўргатишмади, бунга ундашмади ҳам. Аксинча, бир умр фойдага қоладиган йўлга — илмга бошлашди.

Ака-ука Альберт ва Альфредларга одамнинг ҳаваси келади: улар ҳозир, шу кунларда тўртта тилда — ўзбек, турк, рус, инглиз тилларида бемалол, эминэркин гаплаша оладилар.

1994 йилда америкалик мутахассислар томонидан олинган имтиҳонда сурхондарёлик беш нафар бола иштирок этди. Ана шу беш боланинг иккитаси — ака-ука Ҳамидуллинлар эди. Улар имтиҳондан яхши ўтдилар. Альбертни Америкада ўқишга тавсия этишди. Аммо ўглини узоққа юборишга онанинг кўзи қиймади.

Ўтган 1995 йилда болалар ўртасида турк тили бўйича республика мусобақаси ўтказилди. Бунда Альберт 1-ўринни эгаллади ва уч минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди. Табиийки, гап бу ерда пулда ҳам эмас, балки усмирнинг тил ўрганиш соҳасидаги интилиши ва айрича қобилиятидадир.

Яқинда вилоят ўқувчилари орасида олимпиада ўтказилди. Бунда Альберт гарчанд 10-синф ўқувчиси бўлса-да, 11-синф ўқувчилари билан бир сафда қатнашди. Олимпиадага математиканинг сурхондарёлик билимдон болалари йиғилишган эди. Ана шу қизғин синовда Альберт узил-кесил пешқадамлик билан 1-ўринни қўлга киритди. Укаси Альфред эса гарчанд 8-синфда ўқисада, узидан бир ёш катта 9-синф ўқувчилари билан бир қаторда олимпиада иштирокчиси бўлди. Математикадан яхши билимга эга эканлигини амалда намойиш этиб, 2-ўринни олди.

Ака-уканинг олимпиададаги ютуқларига алоҳида урғу бераётганимизнинг боиси шундаки, ҳали вилоят тарихида ўзидан бир синф юқорида ўқийдиганлар билан тенг туриб синовда қатнашиш ва ғолиб бўлиш ҳолати кузатилмаган. Бу гапдан яна бир муддао шуки, Альберт ва Альфредларнинг ақлий имкониятлари, изланишлари тенгдошларига қараганда бир баҳя баландроқда эканлигини эътироф қилишдир.

...Ака-укалар илм эгаллаш, тил ўрганиш билан қизғин банд. Улар бир дақиқани ҳам бекорга ўтказмаслик учун ҳаракат қиладилар. Мақсад томон анча барвақт йўл олган бу ғайратли, шижоатли усмирларга кўз тегмасин ишқилиб, улар шу қутлуғ Ватаннинг корига ярасинлар, деган ёруғ тилак Сизнинг хаёлингиздан утаётган бўлса не ажаб. Дарвоқе, Альберт шахматни севади, Альфред каратэ бўйича оқ камар соҳиби.

Албатта, сиз ҳар бир яхши нарсага қизиқувчан ва хайрихоҳ инсон сифатида савол ҳам берасиз: ака-ука Альберт ва Альфред Ҳамидуллинлар келгусида нима ишлар қилишмоқчи, қаерда ўқишни давом эттиришмоқчи эканлар? Яхшиси, бу саволга уларнинг ўзлари жавоб бера қолишсин.

— Худо насиб қилса Англиянинг машҳур Оксфорд университетида кириб ўқиш менинг ҳам, укам Альфреднинг ҳам эзгу ниятимиздир, — дейди Альберт.

Биз ҳам ўз навбатида илмга ташна, ниятлари баланд, ўқиб довон ошаётган бу усмирларга ҳавас билан хайрихоҳ бўлиб қоламиз.

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.**
**Сурхондарё вилояти.**

*Сиртқи дарс*

# 16. МИРЗО БОЙСУНҚУРНИНГ НИГОРХОНАСИ ВА НАФИС САНЪАТ АКАДЕМИЯСИ

**Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Ҳирот санъат нигорхонаси фаолияти билан таништириш.**

**Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда ўтмиш нафис китобат санъатига меҳр уйғотиш.**

**Дарс режаси:**

1. Ҳирот — темурийлар салтанати маданиятининг иккинчи маркази.
2. Бойсунқур мирзо.
3. Бойсунқур академиясининг намояндалари.

Шоҳрух Мирзо замони (1409-1447)да Ҳирот шаҳри темурийлар салтанатининг марказига айланди. Шаҳар мисли қурилмаган даражада обод бўлди, қўркамлашди. Бу даврда шаҳарда ундан ортиқ мадраса, ўнлаб чорбоғу сарой, намозгоҳлар мавжуд эди. Уларнинг деворлари ажиб нақшлар, китоба (деворга Қуръондан оят ёки шеърий парчаларни нақшдор қилиб ёзиш) ва суратлар билан безатилган. Шоҳрух мирзо ўта мутаассиб бўлишига қарамай илм-фан ва маданият тараққиётига ҳам бош қўшди: Ҳирот тасвирий санъат мактабиноми билан шуҳрат топган улкан нафосат академияси унинг замонида ташкил топди. Бу ишда унинг ўғли ва вазири Мирзо Бойсунқурнинг хизматлари катта.

Шоҳрух мирзонинг ўғли Бойсунқур мирзо 1397 йилнинг 16 октябрида туғилган. У ёшлик чоғидан адабиёт, санъат, ҳаттот ва наққошликка қизиқади. Тез орада истеъдодли шоир ва ҳаттот сифатида танилади. 17 ёшида отаси уни Тус, Машҳад, Обивард, Ҳабушон, Нисо, Астробод, Мозандарон, Шумулкон, Журжон каби вилоятларга ҳоким этиб тайинлайди. 19 ёшида Бойсунқур мирзо отасига вазирлик мансабига кўтарилади. Қўшни давлатлар билан бўлган муносабатларда Шоҳрух мирзо қўпроқ шу ўғлига суянарди.

Бойсунқур мирзони бадиий ижод, илмий — тадқиқот ишлари қизиқтиради. У саройда улкан бир кутубхона — нафис санъат нигорхонасини таъсис этди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича шаҳзода Бойсунқур ҳам истеъдодда, ҳам истеъдод эгаларининг парваришида шуҳрати тамоми иқлимларга кетган эди. Ҳаттотлик ва шеърият унинг замонида ривож топди. Ҳунар эгалари, шоирларнинг овозасини эшитиб теварак-атрофдан хизматига ҳунарманд, олиму наққошлар келар эдилар. Айтишларича қирқ нафар котиби хушхат унинг кутубхонасида китобат ила машғул эдилар. Мавлоно Жаъфар Табризий ул котиблар раҳбари эди.

Алишер Навоий у ҳақда:

«Бойсунқур мирзо хуштабъ, сахий, айёш ва ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Ҳаттот, наққош, созанда ва ғўяндадин мунча беназир кишиким анинг тарбиятидан ароға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлғай. Улча имкони бор, оламни хушлук била ўтказди», — деб ёзадилар. Бойсунқур мирзо ташкил қилган нафис санъат нигорхонасида юзга яқин саҳҳоф (муқовасоз), мусаввир, варроқ (китоб учун қоғоз тайёрловчи), наққош, лаввоҳ (лавҳа чизувчи), рангрез ва бошқа ҳунар эгалари тўпланган эди. Улар Бойсунқур мирзо бошчилигида ноёб ва нодир асарларни китобат қилганлар, нақш ва тасвирлар билан безаганлар.

Тарихий манбаълардан маълум, ки Бойсунқур мирзо устод Сайид Аҳмад наққош, Хожа Али мусаввир, саҳҳоф Қавомуддин Табризийга Аҳмад Бағдодий чизган суратлардан нусха кўчиришни топширган. Бойсунқур мирзонинг бу санъат ва илм даргоҳида кўчирилган нафис китобларнинг баъзилари бизгача етиб келган. Шулардан бири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидир. Бойсунқур мирзо «Шоҳнома»нинг қирққа яқин номукаммал битик нусхаларини чоғиштириб, танқидий матнини яратган. Уни 1425 — 1430 йилларда настаълиқда кўчирган. Мусаввирлар унга йигирмата тасвир чекишган. Бойсунқур мирзо «Шоҳнома»га муқаддима ёзган. У адабиёт тарихида «Муқаддимайи Бойсунғурий» номи билан машҳур бўлиб, ана шу муқаддима туфайли биз Абулқосим Фирдавсий, Дақиқий ва «Шоҳнома»нинг ёзилиш тарихига доир маълумотларга эгамиз. «Муқаддимайи Бойсунқурий «Ровийлар андоғ ривоят қилибдурларким, Наср ибн Аҳмад отлиғ бир марде бор эрди. Сомоний нажод, бўлҳавасликда кўнгли шод. Анинг майли рағбати андоғ эрдиким, шаҳони мозий ва подшоҳони мажозий вақтларини назм силкига солғай. Ахир бир шоир бу маънини қабул этиб, сўз майдонида жавлон қўргузди. Аммо, Дақиқийнинг бир ғуломи хушруси бор эрди, якдойи даҳру нодирайи аср. Бир куни... бу ғулом Дақиқий қурсоғига пичоқ уриб, ҳалокат вартасига ташлади», деган сўзлар билан бошланади.

Бойсунқур мирзо нигорхонасида яна 35 та тасвир чекилган «Калила ва Димна», «Жомеъут — таворих» (Рашидуддин асари), Амир Хусрав Деҳлавийнинг девони ҳам кўчирилган ва тасвирлар билан безатилган.

Дарҳақиқат Бобо Савдойи, Муҳаммад Паҳлавон, Котибий, мавлоно Юсуф Амирий, Амриддин Нузлободий, Амир Шоҳий Сабзаворий каби олиму фозиллар, Хожа Абдулқодир Марофий, Шамсуддин Ҳаравий, Хожа Юсуф Андугоний, устод Қавомуддин, мавлоно Халил каби санъаткор, хаттот ва меъморлар, Бойсунқур мирзо ҳомийлигида ижодда юксак муваффақиятларга эришганлар.

Хожа Юсуф Андижоний Бойсунқур мирзо саройининг хушовоз хонандаси, мусиқа назариётчиси ва бастакори ҳисобланган. Шероз ҳокими, иниси Султон Иброҳим бир неча бор одам юбориб, катта нақдиналар эвазига Хожа Юсуфни унинг ҳузурига жўнатишини сўрайди. Бойсунқур мирзо Султон Иброҳимга қуйидаги байт билан жавоб қайтаради:

**Мо Юсуфи худ намефурушим,**
**Пу сийми силҳи худ нигоҳдор.**
**(Биз Юсуфимизни сотмаймиз,**
**Қора чақаларинг ўзингга бўлсин).**

Хаттотлик тўғрисидаги рисолаларда Бойсунқур мирзо олти хил ёзувни мукаммал билгани, айниқса, сулс ёзувига моҳир бўлгани таъкидланади. Машҳад шаҳрида унинг онаси шарафига қурилган Гавҳаршодбегим масжиди китобалари Бойсунқур мирзо томонидан бажарилган. Ушанда у йигирма ёшда эди. Ишлаган нақшлари ва китобалари зайлидан у қуйидагиларни битган:

«Бойсунқур ибн Шоҳрух ибн Амир Темур Кўрагон. 828 йил ҳижрий (милодий 1425 йил)».

Эронда Бойсунқур нафис санъат нигорхонасида яратилган нодир жўнг (ҳуснихат намуналари ва тасвирлардан иборат мураққа) сақланаётгани аниқланган. Жўнгни мавлоно Азҳар Табризий безаган.

Замондошларининг ҳикоя қилишича, Бойсунқур мирзо отаси учун сулсда буйи икки ярим метр келадиган бир Қуръон кўчирган. Шоҳрух унинг туҳфаси учун Хуросон ўлкасининг бир йиллик хирожини бахш этади. Инглиз олими Эдуард Броун Бойсунқур мирзони жаҳоннинг энг китобдўст кишиси, нафис китобнавислик мактаби асосчиси сифатида таърифлайди.

Абдураззоқ Самарқандий Бойсунқур мирзо нигорхонаси ҳунар эгаларига қуйидагича таъриф беради:

**Ба сувраттаричун бароранд даст,**
**Шавад аҚл мадҳушу фарзона маст.**
**Намоянд сад сеҳру жоду ишкор**
**Зи як нуки мўл ҳамчу мужгони ёр.**
**Дар оҳанги тазҳибу жадвалкаши,**
**Ва гар шамайи лавҳу паргорашон,**
**Ба гардун барад бахти бедорашон.**
**Мулкашон диҳад туҳфа аз рўйи меҳр,**
**Зари анжуму ложуварди сипеҳр.**
**(Мазмуни: Суратгарлик ишига қўл уганларида**
**Оқиллар беҳушу фозиллар мастдир.**
**Ёр мужгонидек мўйқалами ҳар куни**
**Жоду овлайдиган юз сеҳрни намоён этарди.**
**Тазҳубу жадвал тортиб ҳал берганларида**
**Қуёш сингари ҳунар кўргизар эди.**
**Ишларидан бир лавҳа ё паргоридан кўринса**
**Гардунга бедорлик бахти етишарди.**
**Мулклари — яратган асарлари қуёш юзидан,**
**Юлдузлар зарини, коинот ложувардини**
**туҳфа этарди).**

«Дарҳақиқат, Ҳирот санъат мактабида ғиноийи(лирик) наққошлик шундай жило топдики, ҳунармандлар ўз ҳунарларини шу мактабда камолга етказдилар. Ҳирот санъат мактабига Шоҳрух ва Бойсунқур мирзолар асос солдилар», деб ёзади эронлик олим Рукниддин Ҳумоюнфаррух.

Мамлакатда иқтисодий юксалиш, маданий тараққиёт шу даражага етдики, қўшни мамлакатлар Шоҳрух мирзо давлати билан дўстона сиёсий ва савдо алоқалари ўрнатишдан манфаатдор эканликларини изҳор этиб, элчилар жўната бошладилар. 1412 йил апрелида Ҳиротга Хитойдан элчилар келади. Шоҳрух мирзо Хитой хоқонига ёзган жавоб мактубида: «Савдогарлар хавф-хатарсиз бориб келишлари учун бундан буён йўллар очиқ бўлади ва қўриқланади. Бу маъни мамлакат ободонлигининг сабаби бўлсин», дея таъкидлайди.

1419 йили Шоҳрух мирзо саройига Хитойдан яна элчилар келади. Элчилар Шероз ҳокими Иброҳим Султон (1414-1435), Хоразм ҳокими Амир Шоҳмалик, Моваройуннаҳр ҳокими Улуғбек мирзо ҳузурида ҳам бўладилар. Хитой элчилари ўз юртига қайтар экан, уларга ҳамроҳ қилиб Амир Шодихожа бошчилигидаги Шоҳрух мирзо элчилари қайъати ҳам жўнатилади. Темурий ҳукмдорлардан ҳар бири уларга ўз вакилини қўшади: Иброҳим Султон — Амир Ҳасан билан Паҳлавон Жамолни, Мирзо Суйурғотмиш (Адоқ ҳокими) — Арқадоқни, Амир Шоҳмалик — Ордувонни, Бадахшон шоҳлари — Хожа Тожиддинни қўшиб жўнатадилар. Бойсунқур мирзо ҳам Султон Аҳмад ва Ғиёсиддин наққошларни, Мирзо Улуғбек — Султоншоҳ билан Муҳаммад Бахшиларни жўнатади.

Бойсунқур мирзо ўз элчиларига: «Ҳар бир шаҳар ва вилоят йўллари тавсифи, шаҳарларнинг қоидалари, подшоҳларнинг улуғлиги, идора усуллари ва сиёсатлари, қурилишлари ва бошқа ажойиботларига доир нима мушоҳада этилса рўзнома тариқасида ёзиб келишини буюради.

Элчилар 1422 йил августида Хитойдан қайтиб келадилар. Ғиёсиддин наққош Бойсунқур мирзога ўзи ёзиб келган «Сафарнома»сини тақдим этади.

Ғиёсиддин наққошнинг сафар таассуротлари кейинчалик Истамбулда «Ажойибул — латойиф» номида чоп этилади.

Шоҳрух мирзонинг яна бир ўғли Иброҳим мирзо ҳам шеърият, хат ва наққошликда ўз даврининг ягонаси эди. У 1409-1414 йилларда Балх, Тохаристонда, 1414-1423 йиллари Луристон, Шероз вилоятлари ҳокими эди. Машҳур аллома Шарафуддин Али Йаздий унинг устози ва мураббийси эди. Иброҳим мирзо олти хил хатда ғўзал ёзишни ўрганган. Муаррихларнинг эътирофича Шероздаги кўпгина бинойи хайриялар китобаси Иброҳим мирзо томонидан бажарилган. Унинг Шероздаги Доруссафо, Дорулайтом мадрасаларини нақш ва китобаларни бажаргани маълум. Бундан ташқари у кўпгина нодир китобларни ўз қўли билан кўчириб, тасвирлар билан безаган ва хаттотлик санъатининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Ҳаттотлик ҳақида рисола ёзган Қози Аҳмад Иброҳим мирзо Шероздаги Шайх Саъдий мақбарасига унинг бир ғазалини 1431 йили мармар тахтага ёзиб қўйган. Бундан ташқари унинг бир нусха «Қуръони Карим» кўчиргани маълум.

**Наим НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

*1996 йил — Амир Темур йили*

# МИЛЛАТ ФАХРИ

Республика илмий-педагогика кутубхонасида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Соҳибқирон Амир Темур» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти томонидан ташкил этилган бу тадбирда пойтахт олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов анжуманини кириш сўзи билан очиб, Амир Темурнинг ҳаёти, жанговар фаолияти ва унинг даврида амалга оширилган эзгу ишлар тўғрисида гапирди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти умумий тарих кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори Эшқобил Холиқов, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бўлим мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннунов, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғаффор Набиев, ТДП тарих ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти, педагогика фанлари номзоди Турғун Тошпўлатов, Улуғбек номли иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика жамғармаси қошида ташкил қилинган инглиз тили тингловчилари Ҳ. Муминов, К. Гуфранова ва бошқаларнинг «Амир Темур дипломатияси»,. «Амир Темур ўгитлари ва тузукларининг ҳозирги даврдаги илмий ва тарбиявий аҳамияти», «Темурийлар даврида ободонлаштириш ишлари», «Темурийлар ҳукмронлиги даврида маърифий ишлар», «Амир Темур шахси», «Амир Темур ҳақида битилган китобларга ижодий таҳлил» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Шундан сўнг жонли мулоқотлар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Анжуман ниҳоясида эса талаба ёшлар ўзлари тайёрлаган дастурни намойиш этишди. Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи манбалардан намуналар ўқишди, саҳна асарларидан парчалар ижро этишди.

**Улуғбек ЖУМАЕВ.**

*Таълим фидойилари*

# ШОГИРДЛАРИ ФАХРИ УНИНГ

Ҳаётда шундай кишилар буладики, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли барчага ибрат мактаби бўлиб қолади. Шафоат Шамсиддинова ҳам ана шундай кишилар тоифасига киради. У 25 йилдирки, Самарқанд вилоятининг Паст Даргом туманига қарашли 41-ўрта мактабда ишлаб келмоқда. Муаллима гоҳо дарслардан уйга қайтгач хотиралар уммонига чўмади. Мана, бугун ҳам шундай бўлди.

Ушанда 1974 йилнинг ёзи эди. Яқиндагина Тошкент давлат педагогика институтини битириб келган Шафоат опа ўзи келин бўлиб тушган қишлоқ мактабига йўл олди. У мактаб ҳовлисига яқинлашар экан, ўзи қишлоқда туғилиб, илк сабоқни қишлоқ мактабида олган бўлса ҳам, негадир, ҳаяжонланиб борарди.

Шафоат опа ўшанда не андиша, не изтироб билан мактаб директорига учрашганди. Бу воқеага чорак аср бўлибди. Ёё бу шошқалоқ йиллар кўз очиб юмгунчалик вақт ичида ўтиб кетгандай. Аслида эса бу йиллар машаққатлар, заҳматлар билан йўғрилган. Шундан бўлса керакки, кечаги ойдек келинчакнинг юзида бугунги ул дамларнинг фарахбахш нуқси деярли сезилмайди.

Эндиликда у 45-50 ёшлар чамасидаги сочларига қиров тушган бир аёлга айланган. Лекин у ўтган умрига ачинмайди. Аксинча, ўқитувчиликда кечган ҳаёти билан фахрланади. Негаки, бутун обру-эътиборини ўқитувчиликдан топди. Ўқитувчилик унинг номини элга танитди. Бугун у кечаги талаба, келинчак ёхуд оддий ўқитувчи эмас, эл таниган, ҳурмат билан тилга оладиган тадбиркор педагог, суюкли уй бекаси. Айни пайтда 8 фарзандни оқ ювиб, оқ тараётган мушфиқ ва меҳрибон она. Энг муҳими, оддий қишлоқ мактабининг номини республика миқёсига олиб чиққан «Халқ маорифи аълочиси», олий тоифали ўқитувчилардан биридир.

Шафоат опа бу обру-эътиборга осонликча эришгани йўқ. Дастлаб у ўзи келин бўлиб тушган Паст Даргом туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига қарашли 41-ўрта мактабда 1974 — 1976 йилларда бошланғич синф ўқитувчиси, 1977 йилдан бошлаб мактабнинг илмий бўлим мудири, 1978 — 1982 йилларда она тили ва адабиёт услубий шўъбасининг раҳбари бўлиб фаолият кўрсатди.

Муаллиманинг ихтисоси она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлганиданми, ўқувчиларга тил ва адабиёт илмидан сабоқ бериш унинг энг севимли машғулоти эди. У Навоий, Лутфий, Бедил, Мирзо Бобур ғазал ва рубоийларига бағишлаб ўтказган эҳтиросли кечалар ўқувчиларнинг қалбида шеъриятга нисбатан беқиёс иштиёқ уйғотади. Опанинг ўзи ёзган шеърлари ҳам туман, вилоят газеталарида босилиб турарди. Шундан бўлса керак, ижодкор ўқитувчи таъсирида ижодкор ўқувчилар сафи кенгайиб борди. Шафоат опанинг ҳар бир ишга ижодий ёндашиши, унинг адабиётдан ўтказган ҳар бир машғулотининг жонли, ҳаётий чиқишига олиб келар, унинг иштирокида ўтадиган ижодий учрашув ва анжуманлар ҳам гоятда қизиқарли ўтарди. Ана шундай учрашувлардан бири 1993 йилда бўлиб ўтганди. Вилоят миқёсида «Ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш» мавзуида бўлиб ўтган бу анжуманда Шафоат опа «Адабиёт дарсларининг самарадорлигини оширишда А. Навоийнинг бадиий меросини ўрганишнинг аҳамияти» деб аталган маъруза билан қатнашиб, танловда ғолиб деб топилди.

1994 йили вилоятда бўлиб ўтган санъат байрамида эса у Навоий асарлари бўйича II ўринни эгаллади. Бунда Уйғун ва И. Султон ҳамкорлигида яратилган «Алишер Навоий» драмасидаги Навоий ролини 10-синф ўқувчиси А. Ғаффоров, Ҳусайн Бойқаро ролини 11-синф ўқувчиси Ф. Назаров каби ўқувчилар ижро этдилар. Ўқувчиларда санъатга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг ошиши ва улар қобилиятининг шакллана боришида Шафоат Шамсиддинованинг кўп йиллик педагоглик фаолияти, ўз касбининг чин ихлосманди эканлиги муҳим аҳамият касб этган. Шундан бўлса керак, мактабда раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ бирор иш йўқки, Шафоат опа қатнашмаган бўлсин.

Шафоат опа Шамсиддинованинг босиб ўтган ҳаёт йўли, кўп йиллик педагогик фаолияти, у тўплаган катта ҳаётий тажриба, ўзининг бадиий ижодкорлик қобилиятини кенг халқ оммасига етказа билиш салоҳияти қанчадан-қанча истеъдодли ва ижодкор ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказдики, улар бугунги кунда турли соҳада жамият механизмини ҳаракатга келтираётган етук кадрлар ҳисобланади. Бу ҳам маърифат дарғаларидан бири бўлган Шафоат Шамсиддинованинг номини улуғловчи катта мукофотдир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Барот ЯРАШЕВ.**

*Мактабгача тарбия муассасаларида*

*

**Зарафшон шаҳридаги «Сольнишко» болалар боғчаси энг намунали боғчалардан ҳисобланади. Жажжиларни соғлом ва билимли қилиб тарбиялаш тарбиячиларнинг асосий мақсади.**

**Суратларда: 1. Гулмира Аҳмедова ўзбек тили дарсини ўтаяпти. 2. Мусиқа раҳбари Юлия Зиновьева болаларга янги қўшиқ ўргатмоқда.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.**

*

# ТЕМИР ЙЎЛНИНГ «ҚУЁШЧА»СИ

«Кичкинтойларга эътибор — келажакка эътибор». Буни чуқур ҳис қилган Узбекистон Темир йўллари ҳиссадорлик компанияси раҳбарияти ўз ҳомийлигидаги 150 та болалар боғчаси ва 120 та мактабга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда биз Узбекистон Темир йўллари ҳиссадорлик компаниясининг Қарши бўлимига қарашли, Қарши шаҳрида жойлашган «Қуёшча» номли 138-болалар боғчасида бўлиб, кичкинтойларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад хурсанд бўлдик.

## Боласевар жамоа

Доно халқимизда «Олтовлон ола бўлса, оғиздагин олдирар, тўртовлон тугал бўлса, тепадагин эндирар» деган ажойиб нақл бор. «Қуёшча» жамоаси ҳам кўп миллатли, аҳил жамоа «Қуёшча»даги 10 нафар тарбиячининг ҳаммаси ҳам ўз касбининг фидойи устаси, айнан шу касбнинг эгаларидир. Айни кунда «Қуёшча»да темир йўлчиларнинг 140 нафар жажжи фарзандлари 6 та гуруҳда тарбияланмоқдалар.

Замонавий услубда қурилган боғчада, барча шарт-шароитларга эга бўлган гуруҳлар хоналари, дам олиш хоналари, талаблардан келиб чиқилган ҳолда жиҳозланган услубиёт хонаси, тиббиёт хонаси, мусиқа ва рақс хоналари, қироатхона, физотерапия ва доривор ўсимликлар билан даволаш хонаси, соғломлаштириш хонаси, қўғирчоқлар театри хоналари мавжуд. Кичкинтойлар ўта дид билан безатилган инглиз тили хонасида махсус тузилган режа асосида машғлотлар ўтмоқдалар.

## Миллий қадриятлар асосида

«Қуёшча»да таълим-тарбиянинг асосий бошқарув маркази услубиёт маркази ҳисобланади. Айтиш мумкинки, ушбу хонада мақтовга арзигулик бир талай ишлар қилинган. Услубиёт маркази топшириқ ва услубий қўргазмаларни «картотека» услубида олиб боради. Марказ услубчи Наила Муҳаммедшина ташаббуси билан имкониятлар даражасида шарқона безатилган. Марказда «Услубиёт янгиликлари», «Экология», «Қўғирчоғим — думбоғим», «Узбекистоним усимликлари», «Узбекистон — Ватаним маним» каби бурчаклар ташкил этилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, «Қуёшча»га темирйўлчилар ҳомийлик қилади. Шу боисдан ҳам «Қуёшча»да темирйўлчилар ҳаётига оид катта қисмда қизиқарли бурчаклар ташкил этилган. Бу борадаги амалга оширилаётган ишлар ёшларни темир йўлчилик касбига меҳр-муҳаббат уйғотишга қаратилган. Боғчада ташкил этилган «Ёш темирйўлчи», «Менинг отам темирйўлчи», «Паравозлар... Поездлар», «Мустақил Узбекистоним темир йўллари», «Йўл ҳаракати қоидалари» каби бурчаклар ана шулар жумласидандир.

«Қуёшча»нинг барча гуруҳлари хоналари айтиш мумкинки, ўйинчоқ, асбоб-ускуналарга, керакли ва қизиқарли жиҳозларга жуда бой.

Уз касбининг фидойи усталари Елена Шепулина, Тамара Бародова, Тамара Муракаева, Итолмас Хушнаевлар ихтиёридаги хоналар бекаму кўст жиҳозланган. Ушбу хоналардаги ҳар бир қўргазма мумкин қадар миллий қадриятларимизни тиклашга, ўзлигимизни қайтаришга қаратилган.

«Қуёшча»да кейинги даврда «Бешик тўйи», «Тандир тўлиб ёпилди нон», «Бизнинг чойхона», «Узбегимнинг оқ пахтаси» каби миллий руҳда жиҳозланган бурчаклар ташкил этилди.

## «Эркатой»лар соғ бўлсин деб...

«Қуёшча»да кичкинтойларнинг соғ-саломат вояга етказиш асосий талаб ҳисобланади. Бу борадаги барча ишлар, мукаммал ишлаб чиқилган «Соғлом авлод учун» дастури асосида амалга ошириб борилмоқда. Узбекистон Темир йўллари ҳиссадорлик компаниясининг Қарши бўлими маъмуриятининг олижаноб ҳомийлиги туфайли боғчада соғломлаштириш хонаси, доривор ўсимликлар билан даволаш хонаси, тиббиёт хоналари ташкил этилган бўлиб, ушбу хоналар аъло даражада жиҳозланган.

Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган врач Ойтош Отамуродова, тиббиёт ҳамшираси Лариса Захароваларнинг болалар саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. «Қуёшча»даги кичкинтойлар саломатлиги мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб борилади. Ҳар бир гуруҳда энг зарур тиббий дори-дармонлар ва саломатлик бурчаклари ташкил этилган.

«Бизда дори-дармон тақчиллиги ҳали сезилгани йўқ, — дейди врач Ойтош Отамуродова. — Бунинг учун темирйўлчиларга каттадан-катта раҳмат...»

## Бу менинг «Қуёшчам»

Шундай дейди биз билан бўлган суҳбатда боғча мудираси Зулфия опа Бойбекова. Дарҳақиқат, мудиранинг «Бу менинг «Қуёшчам» дейишга ҳаққи бор. Тан олиш керакки, Зулфия опанинг «Қуёшча»га меҳнати кўп сингган. Узингиз бир уйлаб кўринг. З. Бойбекова 22 йилдан буён ана шу жамоага раҳбарлик қилиб келаётир. «Отам темирйўлчи бўлган. Биз илк болалик давримизданоқ темирйўл хизмати ҳақида тасаввурга эгамиз, — дейди боғча мудираси Зулфия опа Бойбекова, — отам дизайнерлик касбини яхши кўрар, гармон чалиб ашула айтарди. Отамнинг ана шу сифатлари менга ўтган. Мен дастлаб мусиқачи, сўнг ашула ижро этувчи хонанда бўлишни орзу қилдим. Ҳали-ҳали эсимда, отамни менга пианино олиб беринг деб қистардим... У пайтлар ёш болганман, рўзғор тебратиш, етишмовчлиикни тушунмаганман-да. Хуллас, мен пианиноли бола олмаганман... Менда кейинчалик дизайнерликка нисбатан қизиқиш кучайиб кетди. Мен бош бўлдим дегунча турли-туман нарсалар ясардим, уларга ранг берардим... Мен ясаган нарсаларимни боғчаларга совға қила бошладим... Ана шу туфайли мен боғча тарбиячиси касбига қизиқиб кетдим...»

Орзу йўлидаги интилиш Зулфия Бойбековани педагогика институтининг мактабгача тарбия бўлимига етаклади. Ўқиди, ўрганди. Мана энди эса бу борада жуда катта ҳаётий тажриба тўплади.

«Биласизми, бизда ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди З. Бойбекова, — темирйўлнинг Қарши бўлими бошлиғи Абдулла ака Тўйчиев болаларни жуда-жуда яхши кўради, болалар учун ҳеч нарсани аямайди...»

«Қуёшча» Узбекистон Темир йўллари ҳиссадорлик компаниясининг «қуёшча»сими, Қаршининг «қуёшча»сими ёки Зулфия опа Бойбекованинг «қуёшча»сими нима бўлгандаям бу боғчада яратилган шарт-шароиту олиб борилаётган ибратли тадбирлардан бизнинг кўнглимиз тўлди. Мана энди, ҳамма боғчаларимиз ҳам «Қуёшча»дай бўлса!

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

*Мактаблар ҳаётидан*

# БОҒЛИ, МЕВАЛИ МАСКАН

Неъмат Аҳмедов Шофиркон туманидаги Аҳмад Дониш номли ўрта мактабда директор бўлиб ишлаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ёш ва сергайрат раҳбар мактабдаги ўқув-тарбия ишларини тез фурсатда яхши йўлга қўйди. 500 нафар ўқувчи таълим олаётган ушбу мактабда 60 га яқин ўқитувчи турли фанлардан уларга сабоқ бериб келаётир. Мактабда бўлганимда мавжуд 22 фан хоналари ўзига хос қўргазмали қуроллар билан жиҳозланганлигини, ундан-да муҳими шу жиҳозлардан дарсларда фойдаланилаётганлигини кўрдим.

Бу ерда 7-синфдан то 11-синфгача ўқувчилар одобнома дарсларини, жума кунлари эса мунтазам равишда тарбиявий соатлар жорий этилган. Мазкур дарсларни ташкил этишдан асосий мақсад, — дейди мен билан мулоқотда Н. Аҳмедов, — ёшларимизни ватанга садоқатли, ота-онага, элу юртга меҳр ва муҳаббатли қилиб тарбиялашдир».

Мактаб деворларига муҳрланган Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий ва Алишер Навоий ҳикматлари, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулиллоҳ саллаллоҳи алайҳи вассалламнинг эзгуликка, илм-маърифатга чақирувчи ҳадислари менинг назаримда директор сўзларининг тасдиғи бўлди. Ўйлаб кўринг, ҳар куни қаршисида ёзилган ҳикмату даъватларни ўқиган, англаган ўсмирдан ёмонлик чиқадими? Аксинча, уларнинг мурғак қалбларига иймон ва адолат, илм ва маърифат уруғларининг илдиз отишига сабаб бўлади.

Маълумки, ҳар қандай жойда ҳам мақсадлар муштарак бўлсагина кўзланган мақсадга эришиш осон кечади. Мактабда ўқувчи ва ўқитувчилар орасидаги яқинлик узаро ҳамкорлик, тўғриси, мени қувонтирди. М. Хужаева ва Г. Исмоилова етакчилик қилаётган мактаб хотин-қизлар жамоаси йўлга қўйган тадбирлар ўша яқинлик мевасидир.

Ёшларни касб-ҳунарга, илм-фанга қизиқтиришда турли учрашувлар, кечалар муҳим аҳамиятган эга. Мактаб маъмурияти шу нарсани ҳисобга олган ҳолда ўз фахрийлари билан тез-тез учрашиб, турли мулоқотлар қилишни ҳам йўлга қўйган. М. Абдуллаев, З. Нарзиева, Я. Жумаев, Ҳ. Намозова, Э. Савронов каби жонкуяр, меҳри дарё устозлар даврасида утириш, уларнинг мароқли суҳбатларидан баҳраманд бўлиш биз учун шараф», — дейди яқиндагина университет аудиториясида билим олиб қайтиб, эндиликда Аҳмад Дониш номли мактабда математика фанидан сабоқ бераётган ёш ўқитувчи Ражаббой Розиқов.

Мактабда бўлганимда ўтказилган амалий ишлар билан кўпроқ қизиқдим. Маълум бўлишича, мазкур ўқув йилининг шу кунигача қарийб 60 дан зиёд ноанъанавий дарслар ўтказилган. Турган гап, бу сабоқлар ўқувчи онгида изсиз йўқолмай, ўзининг ижобий натижаларини беради. С. Қўлдошев, Н. Шаропова, Ш. Хожиев, М. Холова, И. Сайидов, Л. Тураева, М. Толибов каби меҳрибон устозлар ўзларининг кўп йиллик меҳнат тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда.

Табиийки, қишлоқ мактабларини гавжумгина боғсиз тасаввур этиш қийин. Аҳмад Дониш номли ўрта мактаб ҳам ўз эҳтиёжини қондира оладиган даражада мевазор боғга эга. Мазкур ўқув йилининг шу кунигача мактаб аҳли ҳашар йўли билан анорзор, анжирзор ва узумзор барпо этди. Ҳозирда боғларнинг умумий майдони чорак гектарга етди. Бу эса ўз навбатида тўкинчилик ва маъмурчилик сари қўйилган янги қадам ҳисобланади. Ниҳол экиш ҳозир ҳам жадал давом этмоқда.

Яна бир гап. Аҳмад Дониш номли мактабда оталиқ ташкилоти ҳисобланган Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалиги ёрдами билан 120 ўринли клуб қурилиши тугалланиш арафасида турибди. Эрта —индин бу маданий маскан мактаб аҳлига топширилади.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

Ёднома

# ДЎСТ ХОТИРАСИ

Халқимизда ўтганларни ҳурмат ва эҳтиром ила ёдга олиш қадимий удум. Бевақт ўлим Абдували Умурзоқовни олиб кетмаганда эди, айни шу дамларда навқирон 40 ёшини нишонлаётган бўлур эди.

Абдувалига бу фоний дунёнинг тупроқларини узоқ босиб юриш насиб этмади. Аммо қисқа умр кўрса-да, мазмунли ҳаёт кечирди.

Абдувалининг ёшлик йиллари, мактаб ҳаёти қўриқ Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида кечди. Шу ерда ўрта мактабни тугатди. Ўқитувчилик касбига бўлган ихлос ва иштиёқ Абдувалини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетига етаклади. 1972-1976 йиллардаги талабалик даврида фақат «аъло» баҳоларга ўқиш билан биргаликда жамоат ишларида, талабалар тўгаракларида фаол иштирок этди. Бир неча йиллар талабалар илмий тўгарагида қатнашиб, Республика талабалар илмий анжуманлари, олимпиадалари ғолиби бўлди. Абдували олимпиада ғолиби бўлди.

Интилувчан, истеъдодли Абдували Умурзоқов олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугаллагач, давлат имтиҳон комиссиясининг қарорига асосан ёш мутахассис сифатида тарих факультетида устозлари қаторида ишлаш учун қолдирилди.

1976-1980 йилларда ўқитувчилик касбининг сирларини янада чуқур ўрганишга муваффақ бўлди. 1981-1984 йили факультет қошидаги кундузги мақсадли аспирантурада таълим олди. Танлаган илмий тадқиқоти бўйича самарали иш олиб борди. Халқимиз тарихини янада сермазмун бўлишига муносиб ҳисса қўшиб, кўпгина архив ҳужжатларини, тарихий маълумотларни тарих фанига киритишга муваффақ бўлди.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгашда илмий-тадқиқот ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1991 йил 31 августда мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганда топталган тарихимизни яхши билган Абдувалининг қувончи, айниқса, чексиз эди. «Мустақиллик бахти насиб этди, энди халқимиз тарихини ошкора, ҳаққоний ёзиш мавриди келди», дея тўлиб-тошиб юрганлари ёдимдан чиқмайди.

Тарихчи, педагог-олим умрининг сўнгги пайтларида Тошкент молия институтининг доценти бўлиб ишлаш билан биргаликда докторлик илмий тадқиқот ишини юксак унум билан олиб бормоқда эди...

Абдували Умурзоқов моҳир педагог, изланувчан олим бўлиш билан бир қаторда ширин-тотли оиланинг бошлиғи, бир ўғил ва икки суюкли қизнинг меҳрибон отаси ҳам эди. Улар оилани муқаддас ҳисоблаш билан бир қаторда фарзандлар тарбиясини энг масъулиятли бурч деб санар эдилар. Фарзандларини еру кўкка ишонмас, келинимиз Хурсанойнинг оилавий ишларида муносиб камарбаста, педагогик фаолиятларига энг яқин маслаҳатгўй киши эди.

Бугун Абдували орамизда йўқ. Аммо у ўқиган мактаб синфлари, талабалик даврида ётоқхоналар, ёшликнинг энг ширин дамлари кечган боғлар-хиёбонлар, талабаларга сабоқ берган маъруза залларида ёш олимнинг жўшқин руҳи кезиб юргандек...

**Самад ТЎРАЕВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти доценти.**

Тишим чиқди... Қаранглар!

Хулгас...

## ПРОФЕССОРЛАРГА БАҲО ҚЎЙИЛДИ

Италиянинг 36 шаҳрида 12 минг лицей ўқувчисидан саволларга жавоб олинди. (Италияда лицейни тугатгачгина университетда ўқиш мумкинлигини биласиз). Жавоблар кўпчилик ўқувчилар домлаларнинг ярмидан кўпроғи ноаниқ ва мужмал дарс ўтиши, ўқувчиларнинг қайта тушунтириб беринг дейишлари эса уларда норозилик уйғотишини кўрсатди. Шунингдек, усмирларга намунали ўқувчини танлаш усули ҳам ёқмас экан, чунки бу усулга кўра қизиқувчан ва интилувчан бола эмас, камгап ва итоаткор бола яхши ўқувчи деб саналар экан.

Дунё қизиқ-да. Ўқувчилар профессорларга шундай баҳо қўйишибди.

## «ЎЛИМ ТУЖЖОРЛАРИ»

Саудия Арабистонида давлат тарихида энг кўп миқдорда 24 кг, нархи 64 миллион доллар бўлган героин ва унинг сотувчилари қўлга тушириди. 1987 йилда бу қилмиш учун ўлим жазоси эълон қилинган. Бунда эркакларнинг қилич билан боши кесилади, аёллар эса отиб ташланади. Ўтган йил бу айб билан 191 афюнфуруш жазоланибди. Уларнинг кўпчилиги ўзга давлат фуқароларидир.

Дарвоқе, бундайларни Саудия Арабистонида «Ўлим тужжорлари» деб аташаркан.

## ВАЗИР УЗР СЎРАДИ

Японияда 400 дан ортиқ фуқаро гемофилия (қон касали) билан касалланган. Улар давлатни ва бешта дори билан шуғулланувчи фирмани судга берди. Аниқланишича, доришуносларнинг эътиборсизлиги туфайли беморларга иммунитет танқислиги вируси юққан. Ташҳис аниқ — касаллик қон қўйиш оқибатида ўтган. Айбдорлар устидан бўладиган судни кутиб ўтирмай, Япония соғлиқни сақлаш вазири телевидение орқали жабрланганлардан узр сўради. Беморларга 450 минг доллардан, ким алмақачон СПИД билан касалланиб улгурган бўлса, бунга яна 1.500 доллар (ойига) тўланадиган бўлди.

Бироқ пул бу мудҳиш касалликни ҳали енголгани йўқ-да.

## ФУТБОЛЧИ САВДОСИ

Сотилди, деган сўз сизга нотабиий туюлиши аниқ. Лекин бугун буни инкор қилиб бўлмайди. Утган йил Владикавказнинг «Спартак-Алания» жамоасида Россия чемпиони бўлган грузин йигити Михаил Кавелашвили Англиянинг «Манчестер-сити» жамоасига 1,4 миллион фунт стерлингга (2 млн. доллардан кўпроқ) сотилди.

Албатта сотилишга аввало футболчи, сотишга эса жамоа раҳбарияти рози бўлгачгина мазкур савдо-сотиқ бўлиб ўтди.

ана шунақа гаплар.

Оқибат, меҳру мурувват

# ШИРИН СЎЗ — ҚАЛБ МАЛҲАМИ

Яқинда журналист Мардиқул ака Сиддиқов билан олис тоғ қишлоғига йўлимиз тушди.

Дастлаб қишлоқнинг кун чиқар томонида жойлашган, деворлари нураб бораётган қуримсизгина бир хонадонга ташриф буюрдик. Бизни хонадон соҳибаси, саксон баҳорни қаршилаётган Хосият момо қарши олди. Биз ана шу муъжазгина уйда истиқомат қилаётган момонинг аҳволи билан қизиқдик. Момо турмуш ўртоғи уруш бошланганда биринчилардан бўлиб кўнгиллилар сафида жангоҳга кетганича ҳамон дом-дараксизлиги, ундан қолган ягона ўғли — Собиржон 1985 йилда бевақт ҳаётдан кўз юмганлигини, шу орада келини ҳам оламдан ўтганлиги, улардан эса суйиб-суйиб эркалашга бирон набира ҳам қолмаганлигини мунг билан гапирганида кўзларимиз ёшланди.

Бевафо дунё. Қалбларда аламли излар қолдириб кетаётганлиги, юракларни тилка-пора қилаётганлигидан, ўзингнинг эса қўлингдан ҳеч иш келмаслигидан гоҳида нолиб қоласан, киши.

Момонинг синиқ овозида аста-секин гапирган сўзлари юрагимни ўртаб юборди.

— Болам, мана мен саксон баҳорни қаршилаган бўлсам ҳамки, ҳалигача хонадонимга туман халқ таълими бўлими катталари у ёқда турсин, ўзимизнинг маҳаллий раҳбарлардан биронтаси «Аҳволингиз қалай, нимангиз етишмайди, тирикчилигингиз қандай бўляпти?» деб сўраб келганини эслолмайман. Бир вақтлари мен ҳам соғ-саломат эдим, қўлимдан иш келарди, жамоа хўжалиги ҳудудидаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўғил-қизларга сабоқ берардим. Энди эса қариганимда ҳеч кимга керак бўлмай қолдимми?

Ахир туман раҳбарлар мени ўйлашмаса ҳам II жаҳон уруши жангоҳларидан омон қайтмаган чолим Аслон бобони, шу жамоа хўжалигида 20 йилча ҳисобчи бўлиб ишлаган, эндиликда марҳум ўғлим Собиржонни эслаолар бўлмайдими? Ахир, азал-азалдан етимесирларга, қаровсиз қолган қарияларга, ногиронларга хайр-эҳсон қилиб, ёрдам бериш ўзбек халқининг эзгу удуми эди-ку...

Хосият момо, хаёлга чўмганича, индамай қолди. Биз унга нима деб тасалли беришни, меҳрсизлик туфайли унинг қалбида уйғонган дард-аламни қандай ювиб юборишни билмай, ўзимизни тикон устида қолгандек сездик. Хайрият, кампирнинг ўзи жонимизга оро кирди.

— Раҳмат ҳукуматимизга, қарилик нафақамни ўз вақтида олиб турибман, — деди у яна тетиклашиб. — Бисотимда бор-йўғи бир сигир, бир бузоғим бор. Анча бўлиб қолди. Сигирни етаклаб суғоргани сой бўйига олиб борган эдим. Шу пайт нима бўлди-ю, муз ёрилиб сигир сувга йиқилди. Яхши ҳамки 4-5 нафар одам келиб сигирни сувдан олиб чиқишди. Жонивор шу йиқилганича ўрнидан туролгани йўқ. Кўни-қўшниларнинг, маҳалла-кўйнинг борлигига шукр, умридан барака топқурлар кунора ҳолимдан хабар олишиб, ёрдамлашиб туришади. Бўлмаса мендек қари кампирнинг ҳоли не кечар эди, у ёғи яратганнинг ўзига боғлиқ.

Хосият момонинг гаплари бизни чуқур ўйга толдирди. Одам одам билан тирик эканлигини, меҳр-оқибат, бир оғиз ширин сўз ҳар қандай малҳамдан кучли таъсир қилишини дилдан ҳис этдик.

Биз оддий инсонлар эса ўзаро меҳр-муҳаббатни ардоқлашимиз, бир-биримиздан ҳолаҳвол сўраб туришни канда қилмаслигимиз даркор.

**Кексага кўмак бер,**
**Суянган тоғинг.**
**Буни тушунарсан,**
**Қариган чоғинг.**
**Ёшмисан, кексани**
**Сен ҳурмат айла.**
**Ўзинг ҳам қарийсан**
**Ҳозирдан ўйла.**

**Улуғбек ЖУМАЕВ.**

# ОЛИМГА ЭҲТИРОМ

*Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида «Фан ва маънавият фидойилари» мавзуида яна бир ижодий учрашув бўлиб ўтди. Бу галги тадбир Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати, доктор, фалсафа фанлари бўйича республика мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Омонулла Файзуллаев таваллудининг 75 йиллиги ҳамда ижтимоий, илмий-педагогик фаолиятининг 60 йиллигига бағишланди.*

*Йиғилишни Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбари Неъмат Аминов очди. Тантанада академиклар Восил Қобулов, Обид Акромхўжаев, таниқли олимлар Абдулҳай Валиев, Маҳбуба Абдуллаева, Фозила Сулаймонова, Узбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Ҳудойберди Тўхтабоев, драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовлар сўзга чиқишиб, Омонулла Файзуллаевнинг фан тарихини ёритиши, табиий фанлар фалсафасини яратишга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидладилар.*

*Таниқли файласуф бугунги кунда ҳам ҳамон фаол, илмий тадқиқот ишларини давом эттириш билан бирга аниқ фанларга муносиб ҳисса қўшган олимлар ҳаёти ва ижоди ҳақида оммабоп китоблар ижод қилмоқда.*

**МУХБИРИМИЗ.**

## ОДОБ ВА ГЎЗАЛЛИК

Андижон шаҳар 4-ўрта мактабда ўтказилган «Инсон одоби билан» мавзусидаги тантанали кеча ахлоқи гўзал қизларимизга бағишланди. Она тили ва адабиёти фани муаллимаси Нодира Парпиеванинг олижаноблик, ширинсўзлик ҳақидаги маърузасидан сўнг намойиш қилинган қизлар одоби, ҳаёси, миллий урф-одатларни асраб-авайлашга йўналтирувчи қизиқарли саҳна кўринишлари эса, айниқса, ўзгача нафосат касб этди.

**Ш. КЕЛДИЕВ.**

# ТИНЧЛИК КОРПУСИ — ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

## IN ENGLISH

March 1996 . Issue No. 13 *English Teachers' Newsletter of Uzbekistan*

*Letter from the Editors,*

*In June 1995 the Ministry of Education, Khoresm Oblono, USIS, and Peace Corps organized a conference for English teachers in Urgench. Six Peace Corps Volunteers, an English specialist from the USA, and six English teachers from Khoresm gave sessions on English teaching methodology. People in Urgench still talk about the conference. Nearly 200 English teachers attended. The conference created a lot of energy in the community.*

*Its important that we don't forget the power of a conference. Both large and small conferences generate interest and new ideas. They bring people together who would otherwise not communicate. Conferences can break down walls between people. We saw the conference in Urgench bring education officials, school teachers, University teachers, and foreign English teachers together. We were all reminded of our profession and our love of English.*

*A good conference gives us an opportunity to network with colleagues, to see who is in our community, and forces us to evaluate our role as teachers. If you're looking to spark some interest in English perhaps a locally supported conference is what you need.*

*Joe Dalsin*
*Anne Hauk*
*Editors*

### ANSWERS TO THE SPORTS CROSSWORD

(See Issue 12 for the puzzle)

Across: 1. MARATHON, 3. HORSERACING, 5. BOXING, 7. GYMNASTICS, 8. FOOTBALL, 10. SKATING, 12. TENNIS, 14. WEIGHTLIFTING, 15. TABLETENNIS, 17. VOLLEYBALL, 18. RUNNING, 19. GOLF

Down: 2. HOCKEY, 4. SWIMMING, 5. BASKETBALL, 6. KARATE, 9. DIVING, 11. SKIING, 13. AUTORACING, 14. WRESTLING, 16. BASEBALL

## Making the Connection

**Beth Dryer - Peace Corps Volunteer**
**National Boarding Lycee, Tashkent**

As English teachers, we many times find ourselves overwhelming our students with endless lists of vocabulary words. While it is important that students are adding new words to their vocabulary, we must remember that new words are best remembered when they are introduced in situations where they can be used; these situations are called **contexts**.

The words we choose to speak in a context are dependent upon the context itself. For example, when I was learning Uzbek my teachers planned a trip to the bazaar. If we go to the bazaar to purchase food items, then we will need to know how to ask for those items by name. We will also need to know how to ask for the price of the items, and we will need to know how to state the quantity of the items desired.

Introducing to our students the words and structures which they will need in order to communicate in a situation, such as the bazaar, is very important. After we have introduced the context, we can present vocabulary words that the students may use in activities related to the bazaar. This will give the students practice in using the new words in a situation that they can imagine.

For example, we may provide a list of vegetables: potatoes, beans, carrots, lettuce, etc. Then we may provide a list of fruits: watermelon, strawberries, apples, oranges, etc. After the students are given the words to work with, we may introduce structures which deal with making a purchase: "How much is___?" "How many?" (e.g. How much do the apples cost? How many kilograms of apples can I buy for 30 sum?).

After students have learned the names of the food items and have practiced the structures we've provided, then they may role-play with another classmate the act of purchasing the items.

The important thing to remember here is that the students are imagining themselves in a context/situation in which they may practice the new vocabulary they have learned. The more the students practice, the more likely they are to retain the information.

## MIXED METAPHORS

Match each word or phrase in the first column with the word or phrase in the second column that produces a metaphorical expression.

| | |
|---|---|
| 1. Lighter | a. as a doornail |
| 2. Heart | b. a a beaver |
| 3. Cool | c. as a fruitcake |
| 4. White | d. than air |
| 5. Avoid | e. as a pig |
| 6. Water | f. a a cucumber |
| 7. Selling | g. like the plague |
| 8. Nutty | h. a a bird |
| 9. Busy | i. of gold |
| 10. Cold | j. under the bridge |
| 11. Dead | k. as a bone |
| 12. Dry | l. as ice |
| 13. Fat | m. as a sheet |
| 14. Free | n. like hot cakes |

### ANSWERS TO MIXED METAPHORS

1. Lighter than air. 2. Heart of gold. 3. Cool as a cucumber. 4. White as a sheet. 5. Avoid like the plague. 6. Water under the bridge. 7. Selling like hot cakes. 8. Nutty as a fruitcake. 9. Busy as a beaver. 10. Cold as ice. 11. Dead as a doornail. 12. Dry as a bone. 13. Fat as a pig. 14. Free as a bird.

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the English Teachers' Newsletter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER


**А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил апрель ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.**

1. Урта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи — 1-27.
2. Олий ва биринчи тоифали математика ўқитувчилари (Қашқадарёда) — ўзбек гуруҳи — 8-27.
3. Урта мактаб директорлари (Хоразмда) — ўзбек гуруҳи — 14-30.
4. Ёш табиатшунослар ва экологик марказ директорлари — ўзбек гуруҳи — 1-13.
5. Болалар спорт мактаби директорлари — ўзбек гуруҳи — 15-27.
6. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун мақсадли курс (Қашқадарёда) — ўзбек гуруҳи — 1-13.
7. Тарих ўқитувчилари учун мақсадли курс (Навоийда) — ўзбек гуруҳи — 22-27.
8. Олий ва 1-тоифали тарих ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27.
9. Мактаб психологлари малакасини ошириш курси — ўзбек гуруҳи — 1-13.
10. Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувидан мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 1-13.
11. Биология фанини чуқур ўрганадиган мактабларнинг биология ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27.
12. Кимё фани ўқитувчилари учун муаммоли курс — ўзбек гуруҳи — 15-27.
13. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг математика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27.
14. Олий ва 1-тоифали информатика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 15-27.
15. Янги тур мактабларининг синф раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 15-27.
16. ЭҲМни ўқув жараёнига татбиқ этиш: физика ўқитувчилари учун — ўзбек гуруҳи — 1-13.
17. Болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари етакчилари (Наманганда) — ўзбек гуруҳи — 1-6.
18. Олий ва 1-тоифали расм ва чизмачилик ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 15-27.
19. Мусиқа ўқитувчилари учун муаммоли курс — ўзбек гуруҳи — 1-13.
20. Олий ва 1-тоифали жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий — профилакторийга 1-5 апрель кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани. Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

**Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1996 йил 1-30 апрель кунлари навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди.**

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари, мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 1.04 — 30.04.1996 йил.
2. Мактабгача тарбия муассасаларининг тиббий ҳамширалари — 1.04-20.04.1996 йил. Қисқа муддатли курс.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-3 апрелгача қабул қилинадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

Телефонлар — 46-98-04, 46-90-94.


Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Ҳамза туманн халқ таълими бўлими ва туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси туман халқ таълими бўлимининг мактаблар бўйича назоратчиси **Юлдуз БОҚИЕВАнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамда қариндош — уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Алишер Назаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 39 710.